СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ:

БУГУН ВА ЭРТАГА

Яқинда қорнида оғриқ пайдо бўлган бир танишимни «Тез ёрдам» машинаси шифохонага олиб боради. Шифохонада чироқ бўлмаганлиги сабабли, бемор шам ёруғида операция қилинади. Демак, «объектив» сабабларга кўра беморнинг ҳолатини аниқлаш имкони бўлмаган.

Қизиқ ҳолат: операция қилинган деса, «касаллик тарихи»да қайд этилмаган; операция қилинмаган деса, бемор қорнида пичоқ ва игна излари кўриниб турган ип...

2-бет

«HURRIYAT»НИ ЖУДА ҲУРМАТ ҚИЛАМАН»

Минг афсуски, орамизда яна шундай кимсалар ҳам борки, ундайлар олдида Садриддин Айнийнинг қаҳрамонларидан бири — хасис бой анча сахийроқ кўринади кишига. Турли йўллар билан катта бойлик тўплаган бундай жаноб ва хонимлар фақат ўз ҳузур-ҳаловатларини ўйлашади. Ёнгиналаридаги бирор муҳтожга, ҳатто у яқин қариндошларига бўлса ҳам озроққина ёрдам кўрсатай дейишмайди.

3-бет

НОМУС ВА МУҲАББАТ

Фильмнинг номи "Номус"лигини эшитдим-у, Ширванзоданинг машҳур романини эсладим. Унинг номи ҳам шундай. Ўзбек киноси бу нозик мавзунинг қандай ечимини топди экан деган фикр ўтгани учун ҳам бу асарни биринчилар қатори кўрган, унинг режиссёри Ҳилол Насимовга мулоҳазаларимизни айтган эдик. Лекин бош рол ижрочиси Малика Ҳусанова билан суҳбат қуриб, фильм ҳақидагина эмас, мавзунинг мураккаблиги, кинода аёллар ижодининг ўзига хослиги каби масалалар юзасидан савол-жавоб қилмоқчи бўлдик.

4-бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan E-mail: hurriyat@mail.ru № 18 (480) 2006-yil 17-may

«HURRIYAT»га 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади

Газетамизни ўқиб боринг, ютқазмайсиз!

Нашр кўрсаткичи — 233

Маънавият

ХОТИРАГА ҲУРМАТ БИЛАН ҚАРАНГ

унинг ҳам ўзига яраша одоби, маданияти бор

Телекўрсатувлардан бирида қаламкашлардан биттаси марҳум устози ҳақида «Мен фалончининг этагидан маҳкам ушлагандим», - деди. Кўрсатувни томоша қилаётган шеригим энсаси қотиб: «Бу одам устозининг этагига осилавериб, йиртиб ташлаган», — деди. Бу билан устозининг обрўси билан кун кўрди, унвон олди, уй-жой, бола-чақа орттирди демоқчи бўлди. Энг ачинарлиси, шогирд устозини менсимагандек гапирди.

Шу куни санъаткорларимиздан бирининг хотирлаш услуби ҳаммадан ҳам ошиб тушди. У даврадагиларни кулдириш мақсадида, устози саҳнада довдираб қолгани, сўзини эсдан чиқариб бошқа спектаклдаги сўзни айтиб юборгани, ошхўрлик қилишганда гўштнинг ўрнига бармоғини тишлаб олгани ҳақида гапирди. Бу устозга нисбатан ҳурматсизлик, унинг обрўсини тўкиш эмасми? Устозларнинг номини тилга олганда бошни қуйи солиб, «Аллоҳ раҳмат қилгур, қабринг нурга тўлгур, азиз устозим» деб, устозларнинг ёшларга ибрат бўладиган фазилатларини сўзлаш лозим.

Кунларнинг бирида «Ойнаи жаҳон»да бир спортчи «Буни мен дадамдан ўрганганман. Дадам шунақа одам эди», деб тўнғиллади. Ота-онани эслаганда «Раҳматли падари бузрукворим, волидаи меҳрибоним мана шунақа инсон эдилар» деб сизлаб гапирилади. Бундай лаҳзаларда одам, ота-онанинг тириклигида қадрига етмагани, фарзандлик қарзини уза олмагани, ҳурматларини кўнгилдагидек қилиб жойига қўймаганини ўйлаб, кўзлари намланади. Хотирлашнинг ҳам ўзига яраша одоби, маданияти бор.

Мустақиллик ва Истиқлол шарофати билан маънавий-маданий, маърифий қадриятларимиз тикланди. Шулардан бири ота-боболаримиз, улуғ ва муҳтарам зотларни эслаш, хотирлаш, зиёрат қилиш, улар ҳурматини жойига қўйишдир. Мамлакатимизда бу борада оламшумул ишлар қилинди. Хотира майдонлари, хиёбонлар, шон-шуҳрат ва хотира уйлари, музейлар ҳар бир шаҳар ва туманларда марҳумлар руҳини шод этиб турибди. Ҳукуматимиз йилнинг алоҳида бир айёмини «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилган. Таниқли олим, фалсафа фанлари доктори Маҳмудхўжа Нуриддинов «Хутба» номли китобида хотирлашнинг буюк хислат эканини таъкидларкан, жумладан шундай ёзади: «Барчамиз «хотирлаш»га муҳтожмиз, чунки инсон ўтган кунларини, оламдан ўтганларни ўйлайди. Шу билан бирга келажак орзу-умидлари билан яшайди. Акс ҳолда инсон инсон бўлмай қоларди. Зеро, ўтган кунларни эслаш орқали қалб озиқланади, ақл теранлашади, иззатнафсимиз қувватланади... Хотирлаш, ёд этиш ҳақиқий инсонларга хос юксак фазилатдир. Шу фазилатларимизни сақлар эканмиз, имонимиз собит, юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлиши шубҳасиздир».

Матбуот минбарига, «Ойнаи жаҳон»га хотирлаш учун чиққан одам юқорида айтилган жиҳатларни доим эътиборда тутса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Абдуғани АБДУВАЛИЕВ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ"

танловига марҳамат!

Азиз журналистлар! Матбуотда ўз дил сўзлари билан қатнашаётган жонкуяр ҳамкасблар, тарихга айланган 2005 йил сизларга қандай ижодий ютуқлар олиб келди? Ватанимизнинг мустақиллик йўлида собит қадамлар билан олға боришига муносиб ҳисса қўшаётган кишиларимиз тафаккурида юз бераётган уйғониш, тикланиш ва янгиланиш жараёнларини юксак бадиий савияда маҳорат билан таъсирчан усулларда ифодаланган қандай мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилдингиз?

Газета, журнал, радио, телевидение журналистлари, марҳамат, 2005 йил мобайнидаги энг сара ижод намуналарингизни "Йилнинг энг фаол журналисти — 2005" танлови ҳайъатига шу йилнинг 10 июнигача юборинг.

Голиблар 2006 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни эълон қилинади ва уларга мукофотлар топширилади.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан уюшманинг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилишини сўраймиз.

Мурожаат учун манзил: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30, 35, 37-хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси. Телефонлар: 144-37-87, 144-64-62, 144-69-65

Мустақил босма нашрлар ва журналистлар учун

"ЖАМИЯТ ВА МЕН"

РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

*Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мустақил босма нашрларда мамлакат ижтимоий ҳаётининг устувор ва долзарб мавзуларини кенг ёритиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтириш ҳамда босма нашрларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг нуфузини ошириш, босма нашрларни жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни холис ва ҳаққоний танқидий ва таҳлилий жиҳатдан юксак савияда тайёрланган материаллар билан бойитиш, аҳолининг ижтимоий аҳамиятдаги муҳим ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, журналистларнинг профессионал даражасини, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида республикадаги мустақил босма нашрлар ва журналистлар ўртасида **"ЖАМИЯТ ВА МЕН"** танловини эълон қилади.*

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Танловга жорий йилнинг 1 февралидан 1 июнига қадар мустақил босма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар қабул қилинади.

Танлов икки йўналишда: мустақил босма нашрлар учун алоҳида ва журналистлар учун алоҳида ўтказилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий-маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, санъат ва спорт, таълим ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини тарғиб қилишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма нашрларда танлов учун махсус ташкил этилган "Жамият ва Мен" танловига" рукнида жорий йилнинг 1 февралидан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Тақдим этилган материаллар икки қатор оралиғида икки нусхада, босма ҳолда 5-10 саҳифадан иборат бўлиши, ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, муассислари, бош муҳаррири, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили;

Муаллиф тўғрисида — фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади.

ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалари манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари орасидан танланган нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материали етказишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

ТАНЛОВ ЯКУНИ

"Жамият ва Мен" танлови якуни 2006 йил 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида тантанали равишда эълон қилинади. Танловда ғолиб чиққан мустақил босма нашрлар таҳририятлари ва журналистлар таъсис этилган мукофотлар ва махсус дипломлар билан тақдирланадилар.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Мустақил босма нашр таҳририятлари учун:

1-ўрин — компьютер тўплами;

2-ўрин — сканер мосламаси;

3-ўрин — "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" тўплами.

4,5-ўринлар — рағбатлантирувчи дипломлар.

Журналистлар учун:

1-ўрин — Россия Федерациясининг энг илғор оммавий ахборот воситаларида малака ошириш учун хизмат сафари;

2-ўрин — компьютер тўплами;

3-ўрин — "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" тўплами.

4,5-ўринлар — рағбатлантирувчи дипломлар.

Ижодий ишлар "Жамият ва Мен" танловига деган қайд билан жорий йилнинг 1 июнига қадар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзил бўйича жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.

Телефон/факс: 144-12-51.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Мулоҳаза

САРЛАВҲА — ЯРИМ МАҚОЛА

дейишади. Лекин газеталаримизда бунга ҳар доим ҳам риоя қилинмаяпти

Яна айтишадики, мақоланинг сакson фоиз ютуғи сарлавҳага боғлиқ. Хўш, шундай экан, газеталар ижодий ходимлари нега баъзан ана шу нарсани эътибордан четда қолдиришади? Демоқчиманки, гоҳида газеталарда аввалдан кўп ишлатилган, сийқаси чиқиб кетган сарлавҳаларга ҳам кўзимиз тушиб қоляпти. Эҳтимол, мақола матни жуда яхши ёзилган бўлиши мумкин, бироқ сарлавҳа сийқа ва кишининг эътиборини торта оладиган даражада бўлмаса, ўқиш кайфияти сусаяр экан. Тўғриси, буни мен ўз ҳаётий тажрибамдан келиб чиқиб айтаяпман.

Газеталарда янги-янги рукнлар очилиб, яхши сарлавҳали мақолалар кўпроқ бериб борилса. Сарлавҳалар мақола матнига яраша сара сўзлардан сайланган бўлса, муштарийлар сони яна ҳам кўпаяди.

Журналистларни одамлар фикрининг "разведкачи"си деб ҳам айтишади. Чунки улар одамлар орасида кўп бўладилар ва ҳар бир кишининг фикри билан қизиқадилар. Шундай экан, баъзан қулоққа чалиниб қоладиган турли мишмишларга ҳам газета шарҳ бериб борса жуда яхши бўларди. Чунки миш-мишни ҳар ким ҳар қандай қилиб айтади. Кимга ишонишни билмай қолади, одам. Газеталар бу борада бизга ҳақиқатни ойдинлаштириб берадиган ягона восита бўлади деб ўйлаймиз ва ишонамиз.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Сўзсиз сурат.

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган.

Робита

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги муҳим ҳужжат турли соҳаларда икки мамлакат ўзаро ҳамкорлиги учун барқарор асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Мамлакатлараро иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқалар ўрнатилиши ва юритилишида нодавлат ташкилотларининг ҳам аҳамияти беқиёсдир.

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси Россиянинг бир қатор халқаро ва маҳаллий жамғармалари билан алоқа ўрнатган. Яқинда Россия тинчлик фонди бошқарувининг раиси, Россия Давлат Думасининг Халқаро ишлар бўйича қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Леонид Слуцкий номидан "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раҳбарияти номига ҳукумат телеграммаси келди.

Унда бу йил Россия Тинчлик фонди ташкил этилганлигига қирқ йил тўлгани, охирги беш йил мобайнида фонд ўз фаолиятини жадаллаштириб халқаро жамоатчилик ташкилоти мақомига эришгани ҳамда БМТ ва Европа Кенгаши қошида аккредитация қилингани таъкидланади. "Россия Тинчлик фонди, МДҲ тараққиётининг ҳозирги босқичини ва ўз имкониятларини таҳлил этиб, "Олтин мерос" халқаро жамғармаси билан мустаҳкам алоқа ришталарини боғлашга қарор қилди ҳамда янги лойиҳалар ва дастурларни амалга ошириш учун қўшма тадбирлар ўтказишдан, биргаликда ҳаракат қилишдан умидвормиз", — дейилади жумладан телеграммада.

"Meros-news" ахборот хизмати

Премьера

ТОПТАЛГАН ТАҚДИРЛАР

Кинотеатрларимизда кўп ўтмай яна бир янги кинофильм намойиш этилади. Унга Зулфиқор Мусоқов режиссёрлик қилган. Асарда тасвирланган воқеалар иккинчи Жаҳон уруши давридан бошланиб мустақиллик йилларига туташиб кетади. Республика Киночилар уйида ушбу "Ватан" номли бадиий фильм тақдимоти бўлиб ўтди.

— Ҳомид, сен яхши йигитсан, — дейди Бинафша. – Келишган, ақлисан. Лекин барибир Қурбон бошқача-да! Қурбон, нега менга совчи жўнатмаяпсан? Балки сенга сепкилларим ёқмас?

— Йўқ, нега энди? Ёқади, — дейди Қурбон.

— Унда жўнат!

Қизнинг сўзлаш оҳангида, ўзини тутишида соддадиллик, самимият, мусоффолик — қисқаси, салбий хусусиятлардан бошқа ҳаммаси жамулжам.

Жаҳонни титратиб бир неча ўн миллион одамни ўз домига тортган уруш кетмоқда. Ўзбекистоннинг олис бир қишлоғида яшаётган икки ёш қалбидаги севги ҳамма-ҳаммасига қарши чиқмоқчи. "Дунёда қаҳр-ғазаб, нафрат каби салбий туйғуларга, урушга бўрин йўқ! Одам оламга бахтли ҳаёт кечириш учун келади", — демоқчи бўлади қиз кўнгли.

Фильмда хотирлаш услубидан кенг фойдаланилган. Уруш туфайли олтмиш йил хорижда яшаб қолишга мажбур бўлган бош қаҳрамоннинг ўз қишлоғига қайтиши воқеаси қолипловчи сюжет вазифасини ўтайди.

Одамларни тутдай тўкиб бораётган уруш. Асирликда маҳбусларнинг нон талашиш эпизоди. Ҳаёт учун бу таҳлит курашга қўшилмаган Қурбонни чақириб фашист ҳарбийси сўрайди:

— Кимсан?!

— Ўзбекман!

Кинода уруш даҳшатларини томошабинга ҳис қилдирадиган эпизодлар талайгина. Уларни кўриб бош қаҳрамон идорасига қойил қолмай илож йўқ. Беихтиёр урушга бўрган нафратинг ошиб кетади. Икки ғоя орасидаги курашда миллионлаб одамларнинг қурбон бўлиб кетишини кўриб, яна ҳаёт мазмуни ҳақида ўйлаб қоласан, киши.

Янги тўлқин доим янги кўпикларни олиб келади. Ҳатто оғир кунлар туфайли ака-укадай жипслашиб кетган халқ орасида ҳам ғаламислар ҳамиша топилади. Энг ёмони улар ўз миллатдошларинг, ёнингдаги одамлар. Эҳтимол, ҳақиқий ёв минг чақирим наридаги фашистлар эмас, мана шундай ватандошларингдир? Гап севгида рад этилган, лекин жанггоҳлардан бутун қайтган Ҳомид ҳақида боряпти.

Шунча йил ўтиб Қурбонни ўз юртига қайтарган туйғу фақат соғинч ва Ватан севгиси эмас. Шунингдек у севгилиси Бинафша, қолаверса, бир ўзбек аёлининг ҳоки олис муэзикларда қолиб кетишига сабаб бўлган болалик дўстини излаб келмоқда.

Кўр, бир қўли йўқ Ҳомид девор остида чўкка тушганча қолади:

— Қурбон, Қурбон! Мени ўлдир, мен ўлолмаяпман...

Кейинги йилларда иккинчи Жаҳон уруши мавзусида кино ишланганини эслолмайман. Ёшларимиз ёппасига севиб томоша қилувчи мушак мисол бир лаҳзада пайдо бўлиб унутилиб кетаётган фильмларнинг эса йўриғи бўлак. Улар фақат бугуни билан яшаш, келажакка ҳам романтик кўз билан қараш психологиясидан бошқа нима ҳам бериши мумкин. Бугунги катта авлод кечмишларини ёшларга атрофлича тушинтириб берадиган, ҳар қандай "модерн" жамиятида ҳам аҳамиятни йўқотмагувчи виждон, инсоф, ҳалоллик каби анъанавий тушунчаларни таннум этадиган асарлар кўпроқ яратилиши лозим, чамамда. Зеро, олимларнинг эътироф этишича, инсоният чорак кам бир асрдан буён лаънатлаб келаётган фашизм ғоясининг пайдо бўлиши ва кенг қулоч отишига жамиятда кекса авлод ва кенжа авлод орасидаги маънан узилиш сабаб бўлган.

Фаррух ЖАББОРОВ

Босилмаса-да

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТАРТИБГА СОЛИНДИ

Наманган шаҳрининг Алишер Навоий кўчасидаги 36-уйда истиқомат қилувчи Ж. Мусаевнинг Янгиқўрғон тумани Бирлашган қишлоғи электр таъминотидаги айрим узилишлар тўғрисидаги мурожаати Наманган ЭТ ОАЖ мутахассислари, "Бирлашган" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси М. Аълохонов иштирокида жойида кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, ушбу қишлоқни электр таъминоти 35 кВ кучланишли Шўркент подстанциясига уланган "Бўрибоев", "Говазан", "Олтинкўл" ҳамда "Боқижон" фидерлари орқали амалга оширилган. Ўтган қиш мавсумида табиий газ босими ниҳоятда камайиб кетганлиги туфайли аҳоли уйларни иситиш ва овқат тайёрлашда асосан электр қувватидан ноқонуний фойдаланганлар ва бу ҳол электр таъминотида узилиш ҳолатлари рўй беришига сабаб бўлган. Бу борада аҳоли ўртасида тушинтириш ишлари олиб борилди.

Ҳозирги кунда тумандаги электр таъминоти тўлиқ тартибга келтирилди, маҳалла аҳолиси мўътадил электр энергия билан таъминланган.

А. З. СИРОЖЕВ, "Ўзбекэнерго" ДАК Бошқарув раиси ўринбосари

Таассурот

Англамоқчи бўлсанг дунёни,
Бориб кўргин Қашқадарёни.

Гурунгдан

«ФАХР ЭТДИМ БИР ФУҚАРОНГ КАБИ»

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари — 2006" спорт ўйинларидан шундай эътироф билан қайтдик

Бу юрт ҳақида гап кетганда аксарият "Бир пўстин ичида тўрт фасл ухлайди", деб лутф қиладилар.

Чўл томонларда экинга ўроқ тушса, тоғларда қор энди кўчиб, деҳқончилик бошланаётган бўлади. Боболаримиз Қарши атрофларида май ойида ўрилган арпани машҳур Амир Темур ғори ҳудудидаги Бовурчи кенгликларида экиб, августда йиғиштириб олганликларини кўп такрорлашарди.

Ана шундай камалакмонанд воҳа бу йил кўплаб тўйларга мезбонлик қилишга бел боғлаган. Шуларнинг бири 4-9 май кунлари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Қаршига кўплаб меҳмонлар таклиф этилган эди. Уларнинг сафида Соҳибқирон Амир Темур ҳақида китоблари нашр этилган ёзувчилар ҳам бор эди.

Бизнинг сафаримиз бошланиши спорт ўйинлари машъаласининг Қибрайда қуёш аланга сидан чўғлантириб, манзил сари йўлга тушилган кунга тўғри келди. Бу йўлдан жуда кўп марта ўтганмиз, ҳар гал Ватанимизнинг улуғворлигини, қудратини, гўзаллигини ҳис этганмиз. Бироқ бу сафар манзара бутунлай бошқача эди. Йўл бўйларига машъалани кутиб олиш учун миллионлаб ўқувчи ёшлар тизилиб олган, улар байроғимизни ҳилпиратиб, қувончларини изҳор этар, қўшиқлар куйлашар, бу билан йўловчиларга завқ ва ифтихор улашишар эди. Бундай ёқимли ҳолат Самарқандгача узлуксиз давом этди. Оқшом чўкканда муаззам шаҳарнинг тарихий майдони — Регистонда ташкил қилинган машъалани кутиб олиш тадбири олис тарихдаги зафарли айёмларни тирилтиргандек бўлди.

— Шодликдан юрагим ҳаприқиб кетди, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, — бундай тадбирни тадбиқ этишда бош-қош бўлган Юртбошимизнинг донолигига, узоқни кўра олганига яна бир бор қойил бўлдим.

Ҳақиқатан, "Умид ниҳоллари" — "Баркамол авлод" — "Универсиада" деб номланган бундай 3 босқичли мусобақа дунёнинг бирор мамлакатида учрамайди. Спорт ўйинлари мустақил юртимизда кашф қилинган янги инсоний қадрият. Унинг шукуҳи Қашқадарё кенгликларида ҳам давом этди.

"Олтин бошоқ" бекатида қарийб бир соат чўзилган ўйинкулги машъала пойига сочилган гулдаста бўлса, қадимий ва навқирон Шаҳрисабзда мусобақа яловини нақд ўсмир Темурбек кутиб олгандек бўлди. Пурвиқор ҳайкал остонасидаги тадбир юзлаб кўнгилларга фахр-ғурур улашди.

Худди шу чоғларда Шаҳрисабз тиббиёт коллежида ижодкорларни кутишарди. Талабалар ҳузуридаги самимий мулоқотда тарихимиз, мустақиллик, адабий ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалар баён этилди.

Учрашув ва мулоқотлар чоғида уйғонган фахр ва ғурур салмоғини Қарши шаҳрида яқиндагина қуриб битказилган 20 минг ўринли стадионда тантаналарнинг очилиш маросимини кузатиб, яна бир бор ҳис этдик. Давлатимиз мадҳияси янграйди, ўйинларга старт берилади...

Иштирокчилар спортнинг 12 тури бўйича беллашдилар. Мусобақалар юқори кайфиятда, уюшқоқлик билан ўтказилди. Мезбонлар жиддий тайёргарлик кўришган экан.

— Қаршида қурилган спорт иншоотлари ҳақидаги радиорепортажни тинглаб, "Баъзи ҳамкасбларнинг ўпкаси йўқ-да, шунча ҳам мақтайдими?" деб ишонмаган эдим, — дейди ёзувчи Тўлқин Ҳайит, — мана, кўриб турибман, уларнинг мақтови бу қурилишларнинг маҳобати олдида оз экан".

Шаҳарнинг шарқ тарафидаги 20 гектарга яқин майдон бир йиллар олдин бўм-бўш эди. Қисқа муддатда ёнма-ён стадион, спорт манежи ва сузиш ҳавзаси бунёд этилди. Улар қурилишнинг тезкорлиги билангина эмас, замонавийлиги, меъморчилигининг гўзаллиги билан ҳам кишини лол қолдиради. Чинакам XXI аср кошоналари қад кўтарган, энди улар фарзандларимизга хизмат қилади.

Ташкилотчилар спорт ўйинларини ҳар жиҳатдан тўкис ўтиши учун ҳаракат қилдилар. Жумладан, дам олиш соатларида таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ташкил этилди. Бундай тадбирларга севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бош-қош бўлдилар. Учрашувларда Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, шоир ва ёзувчилардан Икром Отамурод, Минҳожиддин Мирзо, Исмоил Тўхтамишев, Мурод Абдуллаев, Ҳумоюн Акбар ва бошқалар энг гўзал шеърларидан ўқидилар, дил ардоғидаги эзгу тилакларини баҳам кўрдилар...

Мусобақа байроғи туширилиб, машъала аста сўниб борар экан, кўнгилда бир соғинч қўзғолди. Биз қисқа фурсатда бу дақиқаларни яхши кўриб қолган эканмиз. Ростдан ҳам жаннатмакон юртимизда кишини соғинтирадиган қадриятлар кўп, бу элга фақат тўйлар ярашади. Ана шу тилак йўлида ҳаммамиз собит ва бардам бўлайлик.

Ҳаким САТТОРИЙ

Ҳуқуқ

МАҲАЛЛА ВА СУД

улар ҳамкорликда ишласа ярашув ҳолатлари кўпаяркан

"Hurriyat" газетасида яқинда чоп этилган мақолада ҳар қандай киши, аввало биз судьялар учун муҳим ва қизиқ бўлган бир мулоҳаза тилга олинган.

Ўзбекнинг бошига иш тушса, аввало судьяга мурожаат қиладими ёки маҳаллага? Муҳбир ана шундай савол қўйиб, "... албатта, аввал маҳаллага" деб жавоб қайтаради. Бунинг ўзига хос сабаблари ҳам бор. Биринчидан, миллий менталитетимизга хос хусусият бу. Иккинчидан, азалдан "Маҳалланг — отанг, онанг" деган ақида мавжуд бўлган. Айниқса ҳозир, миллий қадриятларимиз тикланаётган, маҳалла-кўйнинг нуфузи, обрў-эътибори яна қайтиб келаётган даврда судларнинг жойлардаги маҳалла, фуқаролар йиғинлари билан алоқалари нафақат жиноятчиликнинг олдини олиш, балки ярашув ҳолатларининг кўпайишига ҳам сабаб бўлаётгани амалда намоён бўлмоқда. Шунинг учун ҳам биз, айниқса, кейинги пайтда тумандаги маҳалла ва фуқаролар йиғинлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, аҳоли ҳуқуқий маданияти ва савиясини ошириш борасида режа асосида бир қанча муҳим ишларни амалга оширишга интиляпмиз. Масалан, 2005 ва жорий йилнинг апрелигача "Янгикент", "Андижон", "Бўстон", "Лалмикор" ва "Зарбдор" фуқаролар йиғинида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, ярашув институти, қўлланилаётган амнистиянинг моҳияти ва ундан кўзда тутилган асосий мақсад, жиноятчиликнинг олдини олиш мавзусида 16 маротаба маъруза ўқилди, давра суҳбатлари ўтказилди. Тан олиш керак, айниқса қишлоқларимизда истиқомат қилаётган фуқаролар кейинги янгилик ва ўзгаришлардан тўлиқ хабардор деб бўлмайди. Ана шунинг учун ҳам бу маърузалар ҳар жиҳатдан фойдали деб ўйлаймиз ва муайян самара бераётганидан ҳам кўз юма олмаймиз.

Мен ярашув институти халқимиз, миллатимиз менталитетига ҳар жиҳатдан мос ва хос ҳолат деб ҳисоблайман. Бу, айниқса, қишлоқларимизда тўлиқ намоён бўлмоқда. Жуда кўп судли можаролар маҳаллада, фуқаролар йиғинининг ўзида ҳал этилиб, муроса ва мадора йўли танланаяпти. Унда ҳам иложи бўлмаганлари судга чиқаяпти ва биз суд жараёнида ҳам имкони борича ярашув муҳити ва шароитини пайдо қилишга ҳаракат қиляпмиз. Бу саъй-ҳаракатлар натижа бераётгани ҳам сир эмас. Кўп узоққа бормай шу йилнинг 9 февралида бирданига иккита, 28 февралда эса яна битта суд иши томонларнинг ўзаро ярашув ҳолати билан якунланди. Бундай мисолларни сўнгги 2-3 ойнинг ичида яна кўплаб келтириш мумкин.

Инсон табиати қизиқ, баъзан қизиққонлик қилиб, баъзан кимнингдир қутқусига учиб, ор-номус, гап-сўз, "деди-деди" ёки тасодиф туфайли низоли ҳолат пайдо бўлади. Аслида шу тахлит кўп ҳолатларнинг олдини олишда бир оғиз ширин сўз, маҳалла ёки қишлоқ оқсоқолининг доно маслаҳати, кечиримлилик, андиша... каби халқимиз табиатига хос бўлган хислатлар ҳам кифоя қилади. Назаримда, ана шундай бебаҳо, ҳамма халқ ва миллатда ҳам учрайвермайдиган фазилатлар, ахлоқ, одоб меъёрларидан унумли фойдаланишимиз керак. Зеро, ярашув институтининг жорий этилиши ҳам безиж эмас. Бунинг учун эса маҳалла ва суд ҳамкорлиги муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Ўткир АБДУЛЛАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Зарбдор тумани суди раиси

Тақдимот

Журналистлар учун май ойи нечоғлик аҳамиятли?

Бир қараганда бу йилги баҳор бошқа ойлардан ҳеч фарқи йўқдек. Ўзбекистонда ҳам 3 май Халқаро матбуот эркинлиги куни нишонланди. Нега айнан шу куни Халқаро "Олтин қалам" танлови натижаларини эълон қилиш белгиланганини тушуниш мумкин.

"Олтин қалам" танлови мукофотларини топшириш маросимидан кейин барча ОАВ вакиллари Миллий матбуот марказига келди. Марказ биносининг иккинчи қаватидаги залда Профессионал журналистлар клубининг тақдимоти ўтказилди.

Дарвоқе, бундай клуб ташкил этиш ғояси анчадан буён бор эди ўзи. Балки ҳаммаси "оппоқ орзулар"дан бошлангандир. Телевизор орқали намойиш этиладиган хориждаги танлов ва тадбирларнинг гувоҳи сифатида елка қисиб қўйишдан нарига ўтолмасдик. Э-ҳе, қанча орзулар... Хорижда ўтказиладиган танловлардан ўзининг ёрқинлиги, рангбаранглиги ва очиқлиги билан фарқ қилмайдиган тадбир ташкил этишга бизда имконият, қунт ёки топқирлик етишмайдими?

Атрофдагиларнинг яхшироқ, очикроқ ахборот макони яратиш истагини икки жамғарма — Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳаётга тадбиқ этишга бел боғлади. Улар янги — Профессионал журналистлар клубини ташкил этиш ташаббуси билан чиқишди ва унинг муассислари бўлишди.

Ҳар қандай клубда раҳбарият ва аъзолар бўлгани каби унинг ҳам ўз аъзолари бўлади. Ихтиёрий равишда клубга аъзо бўлиб кирганлар ташкилотнинг мақсад ва вазифларини белгилайди. Тақдимотда клубнинг доимий ишлайдиган органи, 6 кишидан иборат Кенгаш бўлиши ва улар ораларидан клуб раисини сайлашлари таъкиланди. Кенгаш журналистика соҳасида сезиларли натижаларга эришган аъзосига клуб Академиги (балки, Уста яхширокдир) мақомини бериши мумкин. Кенгаш қарори билан таниқли жамоат, сиёсат, маданият ёки санъат вакили клубнинг фахрий аъзоси этиб сайланиши ҳам мумкин.

Клуб фаолият йўналишларидан яна бири журналистик танловларни ташкил этиш ва ўтказиш. Журналистларнинг мустақил фикрларини рағбатлантириш клуб фаолиятининг аҳамиятли томонидир. Эътибор фуқаролик жамияти барпо этишда оқсаброқ турган соҳаларга қаратилади. Танлов тарих ва маданиятимиз, фан ва техника тараққиёти, санъат, таълим ва бошқа соҳаларни ёритишда фаол иштирок этиб келаётган журналистларни ҳам рағбатлантиради.

Танловнинг ҳам, клубнинг ҳам номи ҳозирча аниқ эмас. Шу боис клуб тақдимотига ташриф буюрганлар ва меҳмонларнинг уларни номлаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалари билан клуб фаолиятида иштирок этишга даъват қилинди. Умуман айтганда, май ойи журналистларнинг янги бир ташкилоти тузилиши билан ҳам аҳамиятлидир ва унинг мамлакатимиз журналистикаси ривожига ҳисса қўшишига умид қиламиз.

Муяссар МАҚСУДОВА,
Ўзбекистон мустақил журналистлари ассоциацияси раиси

Манба: www.gzt.uz

Хабар

"СТВ"

Самарқанд шаҳрининг Қурчатов кўчасидаги 22-уйнинг ертўласида 4 нафар ходим билан иш бошлаган мазкур телерадиокомпания бугун 15 ёшга тўлди

Самарқанд шаҳридаги "Афросиёб" мажмуасида ана шу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари Зоир Мирзаев очди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов табрик сўзидан кейин "Даракчи" газетаси жамоасига, "СТВ"нинг бир қатор ижодкорларига ижодий уюшманинг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғаларини топширди.

Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Ҳуршид Даврон, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олимжон Ўсаров, таниқли тележурналист Шерзод Қудратхўжаев ҳам самимий тилаклар билдирди.

Очиқ айтиш керак, "СТВ" ташкил этилган пайтда кимдир унга ҳавас билан қараган бўлса, кимдир "буларнинг қўлидан нима ҳам келарди" деб нописанд гап айтгани, яна кимдир ҳайратлангани аниқ. Юз нафар киши ишлаётган ана шу ижодий жамоанинг бугун 2 млн. кишилик аудиторияси, ТИУ ва ОАВ ичида ўз мавқеи бор. Табиий равишда савол туғилади: "СТВ" бундай ютуқларга қандай қилиб эришди? Буни шундай изоҳлаш мумкин: у бундай натижага мустақиллик туфайли мамлакатимизда демократлаштириш, ОАВнинг эркин фаолият юритиши, иқтисодий ўсиш учун зарур имкониятлар яратиш борасида босқичма-босқич, изчил сиёсат олиб борилаётганлиги, сезгирлик, ташаббус, ижтимоий ролик, оригинал эфир шакллари, юксак инновацион технологиялар воситасида эришди, десак муболаға бўлмайди. "Баҳс", "Юзма-юз", "Давлат ва жамият", "Самарқанд ва самарқандликлар", "Моҳият" каби ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларга бағишланган телекўрсатувлар тезда ўз мухлисларини топди. Самарқанд кўп миллатли шаҳар. "Шоми Самарқанд" ва "Бир кам дунё" кўрсатувларида турли миллат ва элат вакилларининг урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади. Кўрсатувларни ранг-баранг тайёрлаш, эскирганларидан тезда воз кеча олиш, янгисини ўйлаб топиш — "СТВ"га хос бўлган хусусиятлардир. Унинг жуда кўп кўрсатувлари нодавлат телекомпаниялар тармоғи — ННТ орқали намойиш этилаётгани ҳам қувонарли ҳол, албатта.

Маълумотларга қараганда, "СТВ" яқинда бадиий фильмлар, мусиқий клип ва спорт мусобақалари каби кўрсатувларини "СТВ-интернационал" канали воситасида "ОРТ", "Россия-тв" орқали узатиш учун шартнома тузган. "СТВ" ўз маблағи ҳисобига алоқанинг илғор технологиялари, оммавий ахборот воситаларининг ахборот ва телекоммуникация имкониятларини кенгайтирмоқда. Ахборот йиғиш ва тарқатишнинг янги тизимини жорий этиш ижодий жамоанинг бугунги кундаги бош вазифаси этиб белгиланган. "СТВ" яқин кунларда жаҳон ахборот тизимида муносиб ўрин эгаллашига умид қилиш мумкин.

Баҳодир ХИДИРОВ

Кузатув

"УЧИНЧИ" ЙЎЛНИ ИЗЛАБ ёхуд илм ва олим ҳақида сўз" туркумидан

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ: БУГУН ВА

МУАММО, МУЛОҲАЗА,

Кишилар учрашганларида, энг аввало, «ассалому алайкум» — «ваалайкум ассалом» тарзида мурожаат қилишиб, бир-бирларига сиҳат-саломатлик тилашади. Сиҳат-саломат бўлган кишигагина ҳаёт, яшаш ҳузур бағишлаши, уни яратишга, дунёнинг сир-синоатларини очишга илҳомлантириши мумкин. Таниниг бирор аъзосида оғриқ бор киши дунёга оғриқли кўз билан қарайди ва бу унинг дунё ҳақидаги таассуротида оғриқли излар қолдиради; дунёни тўғри англашга ҳалақит беради.

Инсоннинг соғлиги масаласи соф шахсий масала эмас, у минг йиллардан буён ижтимоий, давлат аҳамиятига молик масаладир; ўз фуқароларининг соғлигига бефарқ бўлган бирорта ҳам тўлақонли мамлакат бўлмаган. Фуқароларининг саломатлигига бефарқ қараш, бу — мамлакатнинг бугуни ва келажагига бефарқ бўлишдир.

Фуқароларнинг соғлиғига эътибор билан қаралгани, ҳали соғлиқни сақлаш бўйича ишлар мукаммал ташкил этилганини англатмайди.

1. СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ ИСТАБ...

Зарина Хисамова «Хитойликдан узоқ яшаш мумкинми?» («Как пережить китайца?», «Эксперт» (www.expert.ru), 2005 №10) деб номланган мақоласида Россиянинг соғлиқни сақлаш соҳаси муаммолари ҳақида сўз юритади.

Умуман, ҳар қандай мақолани таҳлил этганда икки нарсага эътибор бермоқ керак. Улардан бири, муаллифнинг қандай ишончга таяниши бўлса, иккинчиси фикр юритишда изчиллиги масаласидир.

Хисамова ёзади: «Россиянинг ҳар бир фуқароси ҳар қандай касалликка чалинганида ҳам текин ва сифатли тиббий ёрдам олишга ҳақли, – Конституциямизда шундай ёзилган. Медицинамиз эса текин эмаслигини ва доим ҳам сифатли бўлмаётганини ҳаёт кўрсатиб турибди». Мақолада, бундан бошқа, ишонч сифатида олиш мумкин бўлган фикр учрамайди. Демак, Хисамова, Россия конституциясига таяниб, Россия соғлиқни сақлаш системасининг функцияси касал бўлган ҳар бир фуқарони текин ва сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашдан иборат, деб хулоса чиқаради.

Нафсиламрни айтганда, Хисамова «текин» сўзи тўғри ишлатилмаганига асосий эътиборни қаратади ва унинг бутун эътирози ҳам, таклифи ҳам шу асосда қурилган. Давлат бюджетининг шаклланишига эътибор берадиган бўлсак, «текин» дегани жуда ҳам текинликни англатмасликни тушуниш қийин эмас. Бу борада, шубҳасиз, Хисамова ҳақ. Лекин соғлиқни сақлашдаги барча муаммоларни, пул билан таъминлаш тартибини ўзгартириб, ҳал қилса бўлади деган фикр - Хисамова мушоҳадасининг энг заиф жойидир.

Шундай қилиб, мамлакат соғлиқни сақлаш системасининг функциясидан «текин» деган сўзни олиб ташласак, ҳар қандай касалликка чалинган фуқарога сифатли тиббий ёрдам беришни таъминлашдан иборат қисми қолади. Айни шу функцияни бажаришга қодир соғлиқни сақлаш системасини шакллантириш ҳақидаги Хисамова таклифини таҳлил қилиб кўрамиз.

Хисамова Америкада тиббий хизмат кўрсатиш нархи, давлат назорат қилолмайдиган даражада ошиб кетаётгани, барча поликлиника ва шифохоналар хусусий эканлиги ҳамда тушум фақат суғурта компаниялари орқали бўлаётгани, боз устига суғурта компаниялари ва тиббий хизмат кўрсатиш корхонлари орасида низолар кўплиги, низолар ҳал этилишига ҳар иккала томондан кўплаб адвокатлар жалб этилишида деб ҳисоблайди. У, айрим ижтимоий гуруҳ кишилари соғлиги АҚШ ҳукумати томонидан суғурталанишига қарамасдан, айни пайтда, мамлакатда 40 миллиондан ортиқ кишининг соғлиги суғурталанмаганлигига тиббий хизмат нархининг кескин ошиб кетишини сабаб қилиб кўрсатади.

Низолар кўплигига сабаб тегишли қонунларнинг турлича тушунилишидадир. Аслида, ҳар қандай қонун бир хил тушуниладиган даражада аниқ қилиб ёзилмоғи керак. АҚШ қонунларига бу тарзда тартиб берилиши, балки мамлакатдаги катта адвокатлар армиясини ишсиз қолдирмаслик учун атайлаб қилинган ҳаракат натижаси бўлиши мумкин.

Хисамованинг ёзишига қараганда Европада тиббий хизмат кўрсатиш тамоман бошқача ташкил этилган. Солиқ ва фуқароларнинг мажбурий тўловлари бўйича тиббий хизмат харажатлари учун маблағ йиғилади. Тиббий хизматни эса давлатники бўлган поликлиника ва шифохоналар кўрсатади. Европа мамлакатларида ҳам ушбу соҳа бўйича муаммолар кам эмас: асосий муаммо тўпланган пулнинг керагидан жуда камлиги экан.

Хисамова соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммони пул билан таъминлашнинг икки усули асосида ҳал қилиш мумкин деб ҳисоблайди. У қуйидагича таклиф қилади: давлат тиббий муассасалари билан биргаликда хусусий тиббий муассасаларни ташкил этиш; давлат тиббий муассасалари бюджетдан келадиган тушумлар ва мажбурий тўловлар ҳисобидан олдиндан белгиланган (рўйхатдаги) касалликлар бўйича ҳаммага ва алоҳида ижтимоий гуруҳ кишиларига (кам таъминланганлар ва ҳакозо), хусусий тиббий муассасалар эса ихтиёрий тиббий суғурта асосида бошқа касалликларга дучор бўлганларга хизмат кўрсатсин.

Ушбу ташкил этишда битта мантиқий хато бор: кам таъминланганлардан бири рўйхатда кўрсатилмаган бирор касалликка дучор бўлса, уни ким даволайди? Хусусий тиббий муассаса уни даволамайди, чунки у соғлигини суғурта қилмаган. Давлат тиббий муассасаси унга хизмат кўрсатолмайди, чунки муассаса ушбу касаллик бўйича мутахассислашмаган.

Хисамова таклифида фақат биз кўрсатган битта мантиқий хато бўлганда уни тузатиш унча қийин бўлмаган бўлур эди. Асосий камчилик кишининг касал бўлганини англагандан то тузалишигача бўлган жараён тасаввур этилмаганлигидадир.

* * *

1993 йилнинг куз ойлари эди. Бир ҳамкасбим иккаламиз атлетизм билан шуғулланадиган бўлдик. Устозимиз китоб эди. «Устоз»нинг қайсидир айтганига амал қилолмадим, шекилли, икки ойлар шуғуллангач, юрганда чап оёғимда қаттиқ оғриқ пайдо бўладиган бўлди. Оғриқнинг зўридан кўз олдим қоронғулашиб кетарди. Ўн қадам юрар-юрмас оғриқдан додлаб юбормаслик учун тўхташга мажбур бўлар эдим. Озгина муболаға билан айтганда, учрамаган дўхтирим, олмаган давом қолмади. Ҳар бир даводан кейин оғриқ кучайса кучаярдики, пасаймасди. Орадан бир йил ҳам ўтиб кетди. Менинг дардимга малҳам топадиган дўхтирдан эса дарак йўқ эди. Тангри қанча умр берган бўлса, қолганини оғриқ билан ўтказишдан ўзга иложим қолмади деган хулосага келдим. Ва бошқа даво истаб югурмасликка аҳд қилдим.

Дўстларимдан бири чет эллик нейрохирург касалларни қараб, консултация бераётгани ҳақидаги хабарни топиб келди ва мени боришга даъват қилди. Менинг эса боришга райим йўқ эди: оддий оғриқнинг сабабини тополмаган дўхтирлардан тамоман кўнглим қолган эди. Дўстимнинг қистови билан, оёқдаги оғриқ масаласида, охирги марта дўхтирга мурожаат қилишга розилик билдирдим.

Мўъжиза рўй берди. Дўхтир менинг арз-додимни эшитгач, учта машқ кўрсатди; менинг ҳар учала машқни бажаришни ўрганиб олганимга ишонч ҳосил қилгач, шуларни такрорлаб турасиз, деб хайрлашди. Еттинчи кун машқларни бажараётиб, ўзи нима қиляпман, деб ўйланиб қолдим. Чунки оёғим оғриши буткул эсимдан чиқиб кетган эди-да.

Мен бир тасодиф туфайли ногиронликдан қутилиб қолдим. Арзимаган касалликлар туфайли ногирон бўлиб қолганлар кам эмас. Агар ҳар бир бетоб бўлган киши сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлганида, ногиронлар бўлмас ёки улар жуда кам бўлган бўларди.

* * *

Хўш, ҳар бир касалликка чалинган киши сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлиши учун мамлакатда нималар бўлиши, қандай хизматлар йўлга қўйилиши керак?

Биринчидан, инсон хасталикларининг таснифланган рўйхати бўлиши керак. Ушбу рўйхат билан танишиб, кўп учрайдиган хасталиклар қайси, кам учрайдиган хасталиклар-чи; қайси хасталик дастлаб қачон кузатилган, яқинда, биринчи марта, кузатилган хасталиклар қайсилар, қайси хасталикларнинг келиб чиқиш сабаблари маълум-у, қайсиларининг номаълум, қайси хасталикларнинг давоси маълум-у, қайсиларининг ҳанузгача топилмаган каби саволларга жавоб топишнинг имкони бўлсин. Ҳанузгача давоси топилмаган ҳар бир касалликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва давосини топиш бўйича қайси мамлакатларда, қайси клиникада тадқиқот ишлари олиб борилаётгани ҳақидаги маълумотлар ҳам ўта муҳим.

Иккинчидан, катта-кичик ташхис марказлари бўлиши керак. Учинчидан, рўйхатдаги, давоси бор хасталик билан оғриган беморларни даволавчи дўхтирлар етарли даражада бўлиши керак. Тўртинчидан, соғлиқни сақлашнинг замонавий ахборот системаси яратилиши керак. Токи, ўзини нохуш ҳис этган киши учун қайси ташхис марказига бориши кераклиги биринчи учраган тиббиёт муассасасидаёқ аниқ бўлсин, ташхис маркази эса қайси шифохона уни батамом дардидан фориғ қила олишини аниқлаб берсин. Йиллаб, ақалли, дарди нимадан иборатлигини аниқлолмай, сарсон бўлиб юрган кишилар кам эмас. Бешинчидан, энг муҳими, маблағ билан таъминлашнинг эффектив системаси яратилиши керак.

Даволанувчи учун дўхтирги даражаси уларнинг рақобати шарофатидир.

Бугун инсон организмини система деб қарашнинг ўзи етарли бўлмай қолди. Чунки илгари экологик бузилишлар инсон саломатлигига ҳозиргидек хавф солмаган, инсон соғлигига салбий таъсир кўрсатадиган даражадаги кучли электромагнит майдонлари турмушда, саноатда, мудофаада ишлатилмаган эди. Ернинг қайсидир нуқтасидан учирилган ракетанинг кимнингдир саломатлигига салбий таъсир қилиб, бошқа бировга аҳамият берадиган даражада таъсир қилмаслигини тушунтириш имкониятига эга бўлмоғимиз зарур. Бунинг учун инсон организмини катта система (коинот) ичидаги кичик система деб талқин этишга тўғри келади.

Ҳозирги замоннинг табобат мактаби, биринчидан, инсон организми хасталикликларининг келиб чиқиши сабабларини тушунтириб, даволаш йўлларини топишга имкон берадиган, бирор моделига эга бўлиши керак. Иккинчидан, катта системанинг муайян нуқтадаги таъсир кучини, кичик системанинг ҳолатини аниқлашга имкон берадиган воситаларга эга бўлмоғи керак. Учинчидан, булар барчаси изчил, тушунарли баён қилишга имкон берадиган даражада тартибланган бўлиши керак.

Дўхтир қай даражадаги табобат масалаларини ечишга тайёрланаётгани аниқ бўлсагина, у эгаллаши зарур бўлган билим даражасини, билиши зарур бўлган муошҳада усулларини, ва ниҳоят, кўтарилиши керак бўлган ижро маданиятини белгилаш мумкин бўлади. Фақат ундан кейингина дўхтирни тайёрлаш программаси ҳақида гап бўлиши мумкин.

2. ТАН, АҚЛ ВА РУҲ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА...

«Жаҳон адабиёти» журналининг 2005 йил январь сонида машҳур турк ёзувчиси Азиз Несиннинг учта ҳикояси берилди. Улардан бири «Дарди бедаво» деб аталади. Ушбу ҳикоянинг қисқача мазмуни қуйидагича: ҳикоя «қаҳрамони»нинг киндигидан пастида қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Маҳаллий дўхтирлар оғриқ нимадан пайдо бўлганини аниқлай олмайдилар. Мамлакатнинг энг машҳур, таниқли дўхтирларига мурожаат қилинади. Дўхтирларнинг бири оғриққа меъданинг (ошқозон) жароҳатлангани сабаб, деб тушунтиради. Меъдасининг катта қисмини олиб ташлайди. Оғриқ эса тўхтамайди. Иккинчи дўхтир ҳамма «гуноҳ» буйракда деб, буйрагининг бирини олиб ташлайди. Шундай қилиб, учинчи, тўртинчи ва ҳакозо. марта операция қилиниб, нималардир кесиб олиб ташланаверади. Мамлакатнинг мурожаат қилинмаган энг сўнги машҳур дўхтири операция қилган ҳамма дўхтирларни нопрофессионалликда айблаб, ҳамма сабаб оёқларидаги қадоқларда деб топади ва уларни кесиб олиб ташлайди. Дард эса енгиллашмайди, балки оғирлашади. Бу вақтга келиб, мамлакатда, у мурожаат қилса бўладиган, таниқли дўхтир қолмаган, умр бўйи йиққан катта бойлиги эса қарийб совурилиб бўлинган эди. Уни илтимосига кўра Францияга олиб боришади. У ерда танишлари йўқлиги сабаб кўчадаги рекламаларга қараб бир дўхтирга мурожаат қилишади. Дўхтир беморни синчиклаб текшириб кўриб, бемор соғлом, барча операциялар нотўғри қилинган, деган хулосага келади ва камарни бўшроқ боғлашни тавсия қилади, холос. Дўхтир тавсиясига амал қилган бемор тезликда тузалиб кетади. Лекин узоқ яшамайди. Оддий камарни деб бор буд-шудидан айрилгани, ё авомлиги туфайли жонини ҳадсиз қийнокларга қўйгани аламими, уни адойи тамом қилган эди.

Франциялик дўхтир ҳақ эди: барча операциялар зарурият юзасидан эмас, пул олиш учун қилинган, у-бу органи ҳам беҳуда операция қилинмаганининг исботи сифатида кесилган эди.

Қисқаси, беморни соғайтиришни эмас, пул топишни мақсад қилиб қўйган дўхтирлар, мамлакатнинг оддий тижорат даражасига тушиб қолган соғлиқни сақлаш системаси ўлдирган эди.

Бу бир ҳикоя, унда ҳаётдаги баъзи иллатлар бўрттирилгани рост.

1993 йилнинг охирлари эди. Яқин дўстимнинг ўпкасини операция қилишди. Маълум бўлдики, олдин ўпкани даволаб, кейин операция қилиш керак экан. Бундай шошилиш қимматга тушди... Буни англаб етган оила аъзолари, дўстлари учун операция олдидан зарур муолажанинг қилинмаганлиги армон бўлиб қолди. Дўхтир олдин ўпкани даволаш зарурлигини биларди, лекин у тезроқ «кесиб» олиши керак эди-да! Бундай воқеалар кеча эмас, шу кунларда ҳам рўй бераётганини тез-тез эшитиб қолаяпмиз.

Шошиб, ҳолатини аниқламай кўзини операция қилиш оқибатида беморнинг иккала кўзи ҳам кўрмай қолгани ҳақида «Ҳуррият» газетасида ҳам ёзишди.

Яқинда қорнида оғриқ пайдо бўлган бир танишимни «Тез ёрдам» машинаси шифохонага олиб боради. Шифохонада чироқ бўлмаганлиги сабабли, бемор шам ёруғида операция қилинади. Демак, «объектив» сабабларга кўра беморнинг ҳолатини аниқлаш имкони бўлмаган. Ушбу шошилинч операция беморнинг манфаати нуқтаи назардан қилинганига ишонмоқ қийин. Ахир, ҳамма жойда ҳам чироқ ўчмагандир. Қизиқ ҳолат: операция қилинган деса, «касаллик тарихи»да қайд этилмаган; операция қилинмаган деса, бемор қорнида пичоқ ва игна излари кўриниб турган ип...

Нафсиламрни айтганда, қўлига тушган беморга ҳар куни 20-30 минг сўмлик дорига рецепт бериб, қайси дорихонага ёзиб берса, ўша дорихонадан дорини олиб келишни буюрадиган врачлар ҳам йўқ эмас. Бундай врачлар ҳақида ҳам ёзишди.

Яқинда қорнида оғриқ пайдо бўлган бир танишимни «Тез ёрдам» машинаси шифохонага олиб боради. Шифохонада чироқ бўлмаганлиги сабабли, бемор шам ёруғида операция қилинади. Демак, «объектив» сабабларга кўра беморнинг ҳолатини аниқлаш имкони бўлмаган. Ушбу шошилинч операция беморнинг манфаати нуқтаи назардан қилинганига ишонмоқ қийин. Ахир, ҳамма жойда ҳам чироқ ўчмагандир. Қизиқ ҳолат: операция қилинган деса, «касаллик тарихи»да қайд этилмаган; операция қилинмаган деса, бемор қорнида пичоқ ва игна излари кўриниб турган ип...

Нафсиламрни айтганда, қўлига тушган беморга ҳар куни 20-30 минг сўмлик дорига рецепт бериб, қайси дорихонага ёзиб берса, ўша дорихонадан дорини олиб келишни буюрадиган врачлар ҳам йўқ эмас. Бундай врачлар ҳақида ҳам ёзишди.

Дараклар

ШҲТ: ЮБИЛЕЙ САММИТИ АРАФАСИДА

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташқи ишлар вазирларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Учрашувда бир ойдан кейин ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувини ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Шанхайда ўтган мажлисда Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлари иштирок этди.

ШҲТ бундан беш йил олдин Шанхайда ташкил этилган эди. Жорий йилнинг 15 июнида ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари юбилей учрашувига йиғиладилар.

— ШҲТ ўтган йиллар ичида ўта муҳим минтақавий халқаро ташкилотига айланди. Марказий ва Жанубий Осиёдаги қатор давлатларни кузатувчи ва аъзо сифатида бирлаштирган ташкилот тамоман янги аҳамият касб эта бошлади. Айни чоғда терроризм ва сепаратизм хавфига қарши қатъий чора кўра олиш вазифаси ташкилот диққат марказида турибди. Кейинги ой Шанхайда ўтадиган саммитда бу каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилади,— дейди ШҲТ ва минтақавий муаммоларни ўрганиш маркази раҳбари Анатолий Балядко.

"Олтилик"нинг ҳамкорлиги — тенглик, томонлар манфаатларига ҳурмат ва умумий фикр асосидагина қарор қабул қилишга асосланган. Кузатувчи мақомидаги Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва Монголия давлатлари билан ҳамкорлик ҳам шуларга асосланган. Яқинда ШҲТга аъзоликка киришга Корея Республикаси ҳам ихтиёр билдирди. Ўтган беш йил орасида ташкилот аъзолари ва кузатувчилари ўзаро ҳамкорликнинг турли шакл ва усулларини ишлаб чиқишди. Жумладан, ҳамкорликда аксилтеррор амалиётларини ўтказиш ва ишлаб чиқишда ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилди.

«РИА Новости» ахборот маҳкамасининг хабар қилишича, Шанхайда ўтажак саммитда 15 га яқин ҳужжатлар қабул қилинади.

Шунингдек, ШҲТ юбилей саммитида Эрон президенти Маҳмуд Аҳмади Нажотнинг иштирок этиши ҳам кутилмоқда.

ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХАВОТИРИ

Интерфакс ахборот агентлигининг хабар беришича, Тожикистон президенти Имомали Раҳмонов қўшни Афғонистондан гиёҳванд моддалар оқимининг кучайганидан хавотир билдирган.

— Жорий йилнинг январь-мартида биргина Тожикистон орқали гиёҳванд моддалар оқими 26 фоизга ортган. Жумладан, героин миқдори ўтган йилнинг биринчи чораги билан қиёсланганда 51 фоизга кўрайган», — деди И. Раҳмонов душанба куни ўз ишини бошлаган уч кунлик "Жанубий ва Марказий Осиёда наркотраффика муаммолари" мавзусидаги халқаро конференцияда.

— Афғонистонда бошланган аксилтеррор амалиётларидан (2001 йил кузи) буён гиёҳванд моддалар ишлаб чиқиш миқдори уч баравардан ошиб кетди" — дея қўшимча қилган Тожикистон президенти.

Мурувват

2006 йилни мамлакатимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши юртимиздаги жуда кўп меҳр-оқибатли инсонларнинг қалбларидаги саховатпешалик эшикларини кенг очиб юборди. Муҳтожларга ўз ёрдам қўлларини узатаётганлар сони кундан кунга ортиб бораяпти.

Биз суҳбатга чорлаган — Сурхондарё вилояти Денов туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаевнинг номи муштарийларимизга яхши таниш.

Иброҳим ака узоқ йиллар мазкур хўжаликка раҳбарлик қилиб келиши билан бирга ўзининг бағрикенглиги, имкони борича инсонлар дардига малҳам бўлишга интилиши билан ҳам элюртнинг ҳурматини қозонган раҳбарлардан. Қуйида сиз мухбиримизнинг Иброҳим ФАЙЗУЛЛАЕВ билан суҳбатини ўқийсиз.

«HURRIYAT»НИ ЖУДА ҲУРМАТ ҚИЛАМАН»

дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев

— Такрор бўлса ҳам айтаман, Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз ҳар бир йилни алоҳида номлаб келаётган бўлса-да, бу номларда яхлит муштараклик, узвий боғланиш бор. Бунинг замирида эса инсонлар саломатлиги муҳофазасига, одамларимизнинг қадр-қимматини доимо оширишга эътиборни кучайтириш мақсади ётади, — дейди Иброҳим ака, — мана, биргина ўтган йилни олайлик. «Сиҳат-саломатлик йили» биз энди бошлаган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг мустаҳкам поғонаси эди. Шахсан мен шундай тушунаман. Бу йилда эса давлатимиз даволанувчилар қаторида уларни даволовчилар, яъни шифокорларга ҳам ўзининг алоҳида эътиборини қаратди. Уларнинг меҳнат шароитларини оширишга қаратилган ғамхўрликлар кўрсатилмоқда.

Фидойи табиблар ҳамма вақт ҳам элнинг ардоғида бўлишган. Ҳозир ҳам шундай. Ҳатто Аллоҳ уларга алоҳида назар билан қараган. Ривоятларда айтилишича, бир куни Аллоҳ Луқмони Ҳакимдан сен пайғамбарликни танлайсанми ёки табибликни, деб сўраганида у мен табибликни танлайман, дея жавоб берган экан. Одамларга ана шундай меҳрибонлиги учун Аллоҳ уни кўп йиллик умр билан сийлабди.

Ўз навбатида шифокорларимиз ҳам бундай катта эътиборга ўзларининг хайрли ишлари билан муносиб жавоб қайтарадилар деган умиддаман. Энг аввало, улар бемор учун дорилардан ҳам кўра табибнинг яхши муомаласи, ғамхўрлиги жудаям зарур эканлигини унутмасалар бўлгани. Ахир, ширин сўз жон озиғи, дард малҳами-да.

Беморларга бўлар-бўлмас, айниқса бир қутичаси ёки шишачаси 50-55 минг сўм ва ундан ҳам қимматлироқ турадиган айрим хориж дориларини ёзиб бераверишнинг унчалик тўғри бўлмас деб ўйлайман. Бундай дориларни хасталикка чалинган оддий нафақахўр, ногирон ёки қария қандай қилиб ҳам сотиб олсин. Ундан кўра беморга ўзимизда ишлаб чиқарилган ва кўп синовдан ўтган самарали дориларни, шифобахш гиёҳларни тавсия этиш маъқулроқмикин?!

— Муҳтожга ҳомийлик кўрсатиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келадиган иш деб ўйлайсизми?

— Бу саволга бир сўз билан жавоб қайтариш қийин. Беш қўл баравар эмас. Худога шукур, орамизда бировнинг корига ярашга, эл дардига малҳам бўлишга доимо ҳозир турган саховатпешалар жуда кўп. Ана ўшандай заҳматкаш ва меҳри дарё одамларимиз туфайли юртимиз обод. Улар эл ташвишини, бирор муҳтожнинг дардини ўзларининг оғриқли муаммолари деб қабул қиладиган ва қўлларидан келган ёрдамларини улардан аямайдилар. Минг афсуски, орамизда яна шундай кимсалар ҳам борки, ундайлар олдида Садриддин Айнийнинг қаҳрамонларидан бири — хасис бой анча сахийроқ кўринади кишига. Турли йўллар билан катта бойлик тўплаган бундай жаноб ва хонимлар фақат ўз ҳузур-ҳаловатларини ўйлашади. Ёнгиналаридаги бирор муҳтожга, ҳатто у яқин қариндошларига бўлса ҳам озроққина ёрдам кўрсатай дейишмайди. Айрим бадавлат одамлар борки, ноиложликдан ёрдам сўраб келган муҳтожни назар-писанд қилишмайди, дардларига қулоқ солишмайди. Наҳотки, улар Аллоҳнинг «Эй бандам. Сен бирор муҳтожга бирни берсанг мен сенга уни ўн ҳисса зиёда қилиб қайтараман», деган марҳаматидан бехабар бўлишса. Саховатпешалик айниқса кенг қулоч ёяётган бу йилда, ана шундай ножоиз ҳислатли биродарларимизга ҳам инсоф тилаб қоламиз. Уларга вақтинчалик мансабу бойликлар нашъасидан маст бўлиб, эл-юртнинг, энг даҳшатлиси — Аллоҳнинг назаридан бенасиб бўлиб қолманг дейимиз.

Имкони бор одам биринчи навбатда боши ёстиққа теккан муҳтожга ёрдам кўрсатгани нақадар хайрли иш эканини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади.

— Кези келган экан, айтмасак бўлмас. Сиз раҳбарлик қилаётган хўжалик вилоятимиздаги энг иқтисодий бақувват хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бундай самараларга эришишларингизнинг сири нимада?

— Бунда қандай сир-синоат бўлиши мумкин? Ҳамма гап астойдил меҳнатда, жипсликда. Хўжалигимизда 16 мингга яқин аҳоли яшайди. Уларнинг аксарияти ёшлар. Қарияларимиз ҳам, боғча ёшидаги болаларимиз ҳам анчагина. Ҳаммалари ҳам омон бўлишсин. Хўжалигимиз ҳудудида 5 та мактаб, 4 та қишлоқ врачлик пункти, беморларга физиотерапия хизмати кўрсатадиган 1 та масканимиз ишлаяпти. Хўжалик маблағига олинган замонавий тиббий жиҳозларга эга бу масканда 1 нафар врач, 3 нафар ўрта тиббий ходимлари ишлаяпти. Уларнинг маошлари ҳам хўжалик ҳисобидан. Шунингдек, болалар спорт мажмуаси ёшларимиз хизматида. Ҳар йили шахмат ва шашка бўйича республика мусобақаси ўтказамиз. Хонадонларимиз тўлиқ газлаштирилган ва электрлаштирилган. Ҳар йили қишлоқларимиздаги 2-3 чақирим йўлга асфальт ётқизаяпмиз. Булар қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш йўлидаги ишларимиздан айрим мисоллар, холос. Биргина ёшлар мажмуаси қурилишига 180 миллион сўм сарфладик. Хўжалигимиздаги кам миқдорда нафақа олиб келаётган 51 кишига энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдоригача ички пенсия тайинлаганмиз. Ўтган йили шу мақсадга 4 миллион 600 минг сўм сарфланди. Кам таъминланган 65 та оиланинг 81 нафар фарзандининг суннат тўйини ўтказганимиздан хабарингиз бор. Қишлоқ ободончилиги ва одамларимизнинг ижтимоий муҳофазасига ҳар йили 10-15 миллион сўм харажат қиламиз. Шуниси қувончлики, бу харажатларимиз беиз, самарасиз қолмаяпти. Улар одамларимизнинг кайфиятларини кўтаришга, эл-юртимизга, мустақиллигимизга меҳр-садоқатларини янада оширишга хизмат қилмоқда, зиммаларидаги вазифани бажаришда масъулият туйғусини оширмоқда. Хўжалигимиздаги ҳар бир деҳқоннинг, чорвадорнинг, мутахассиснинг астойдил меҳнати эвазига ишлаб чиқаришдан бир йилда ўртача 200-250 миллион сўм атрофида соф фойда олаяпмиз. Хўжаликда рентабеллик 40-45 фоизни ташкил этади. Яъни ишлаб чиқаришга сарфланган ҳар бир сўмимиздан 40-45 тийин соф фойда ғазнамизга тушаяпти. Бу ёмон кўрсаткич эмас.

Ҳукуматимиз бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигига ҳам эътиборини йилдан йилга ошириб бораяпти. Ўғит, техникаларга эҳтиёт қисмлар, ёқилғи вақтида етказиб берилмоқда. Мабодо бу соҳада бирор узилиш содир бўлса унга деҳқон эмас, балки таъминотчи айбдор.

Хўжалигимиз элита хўжалиги. Тегишли мутахассислар билан ҳамкорликда пахтанинг юқори ҳосилли ва сувсизликка чидамли «Денов» навини яратдик. Ҳозир туманимиздаги барча хўжаликлар шу навни экишади. У вилоятнинг бошқа туманларига ҳам кенг тарқалмоқда. Тола чиқиши қарийб 40 фоизгача берадиган бу навни, ҳатто, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги деҳқонлар ҳам ёқтириб қолишган.

Буғдойнинг супер уруғини етиштиряпмиз. Бизда Андижон дон ва дуккакли экинлар илмий текшириш институтининг филиали ишлаб турибди. Унинг мутахассислари билан биргаликда селекция ишлари олиб бораяпмиз ва буғдойнинг серҳосил «Денов» навини яратишга эришдик. Жамоамиздаги ёшу кексанинг ақиллиги, астойдил меҳнатлари қўлга киритилаётган ютуқларимизнинг бош омилидир. Шунинг учун ҳам ўтган йили 3971 тонна ғалла етиштирдик. Унинг 1750 тоннасини уруғлик сифатида давлатга топширдик. Шартнома режасидан ортиқча ҳосил етиштирган пудратчиларга мукофот тариқасида 1546 тонна ғалла тарқатилди. Яна 474 тонна буғдой одамларимизга иш ҳақи сифатида берилди. Ҳозир ҳам омборимизда анча донимиз бор. Уларни то янаги ҳосилгача эҳтиёжманд одамларга баҳоли қудрат тарқатиб борамиз. Ахир, озиқли от ҳоримас, деганлар.

— Баъзан айрим раҳбар ёки тадбиркордан, мен шу йилда фалон сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатдим. Қани эди, даромадимдан солиқ тўлашда шунча сўмни чегириб ташланса, деган гапларни эшитиб қоламиз...

— Бу ҳеч бир куракда турмайдиган гап, деб ўйлайман. Ахир ҳомийлик, саховатпешалик ниҳоятда очиқ кўнгиллик билан, бегараз ҳолда қилиниши керак. Мабодо биз бир йилда 10-15 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатган бўлсак, шунча пулни солиқ биздан олмасин деб аюҳаннос солсак инсофдан бўладими? Буни давлатдан таъма қилиш деб тушунаман. Ана шундай таъмагирликдан умидвор раҳбар ёки тадбиркор яхшиси ҳомийлик қилмагани маъқул деб ўйлайман.

— «Ҳуррият»чилар ва уларнинг муштарийларига тилакларингиз...

— Шахсан мен «Ҳуррият»ни жуда ҳурмат қиламан. Унинг ҳар бир сонини узлуксиз ўқиб бораман. Боиси, «Ҳуррият» ҳақ гапни айтишдан чўчимайдиган газета. Дадиллик билан танқидий чиқишлар қилади. Уларда бирёқламалик йўқ. Аксинча, «Арра тўғри тортилгани» сезилиб туради. Газетанинг бундай иш тутиши матбуот олдига қўйилаётган талабларга амалий жавоб бераётганига мисол бўла олади деган фикрдаман. «Ҳуррият»нинг ана шу «хислат»лари бизнинг «Чағониён»да ҳам борлигидан мамнунман. Бу йилдан нафақат вилоятимиз шаҳар ва туманларига, балким республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам кенг тарқалиб бораётган бу газетанинг саҳифаларида фойдали гаплар жуда кўп.

«Ҳомийлар ва шифокорлар» йилида ҳам бағрикенглик ва танти халқимиз томонидан амалга оширилаётган ҳар қандай хайрли иш, кўрсатиладиган ташаббус матбуотимиз назаридан четда қолмаса маъқул бўларди. Негаки, матбуот орқали улардан хабардор бўлган бошқа юртдошларимиз кўнгилларида ҳам ана шундай эзгу ишларга иштиёқ туйғуси уйғониб қолса ажаб эмас.

Суҳбатдош:
Даврон ҒУЛОМОВ,
журналист

ЭРТАГА

ТАКЛИФ...

рихонага мурожаат қилишни маслаҳат бераётган дўхтирнинг холислигига ишониш қийин.

Бемор дардига эса уни тузатишни мақсад қилиб қўйган дўхтир даво топиши мумкин. Бутун фикри, изланишлари, ҳатто Аллоҳга илтижоси ҳам инсонни англаш, унинг дардига шифо топишга қаратилган дўхтир шифокордир.

Бизда шифокорлар борми, деган савол туғилиши мумкин. Сўзсиз бор, ҳатто кўплаб топилади. Лекин етарли эмасда! Худди шунингдек, мамлакатимизда олимлар ҳам, устозлар ҳам кўп. Уларни ҳам мамлакатимиз тараққиёти учун етарли даражада деб бўлмайди.

Яқинда, матбуотда Россия теннис федерациясининг президенти билан бўлган суҳбатни ўқиб қолдим. У катта спортчи қилиб тайёрлашга қандай ёшларни танлайсиз деган саволга, бой ёки машҳур бўлиш илинжида спортга кириб келаётган ёшлар спортда катта натижалар кўрсатолмайди, мен спортда юксак маҳоратни, катта натижаларни мақсад қилиб қўйган ёшларни шогирдликка танлайман, деб жавоб беради. Инсон руҳиятини яхши тушунадиганлар учун бу икки тоифа ёшларни бир-биридан ажратиш қийин иш эмас. Шифокор тайёрлаш учун ҳам машҳур ёки бой-бадавлат бўлишни хоҳлаган ёшларни танлаш мақсадга мувофиқ эмас.

Бундан ўн беш йиллар олдин, ҳозир исм-шарифи ёдимдан кўтарилган, англиялик бир аёл билан бўлган суҳбатни ўқигандим. Эсимда қолгани, суҳбатдоши уни, айни пайтда, дунёдаги энг бадавлат аёл, нуфузли оила-сулоланинг вакили деб таништирган эди. Суҳбатнинг шунча йиллар ўтиб ҳам эсимдан чиқмаганига фақат аёлнинг ўта бойлиги, нуфузли оиланинг вакили эканлиги сабаб бўлган эмас, албатта. Ўша аёл отасини хотирлаб: «Сизларга сиз мансуб бўлган оиланинг нуфузи ҳеч қандай имтиёз бермайди, балки нимагаки қўл урсангиз, бошқалардан мукаммалроқ бажариш масъулиятини юклайди» деган ўгитини бот-бот эслашини айтган эди. Суҳбатнинг айни шу қисми бир умр эсимда қоладиган сабоқ берган, қадриятлар ҳақидаги тушунчаларимни остин-устин қилиб юборган эди.

Мамлакатни қудратли қилаётган инсоний сифатлар оилаларда, таълим муассасаларида қанчалик қадрланса, майдалик, худбинлик шунчалик биз фориғ бўлишимиз зарур бўлган иллатлар эканлиги, катталар ибрати асосида, тушунтириб борилмоғи кераклигини яққолроқ ҳис этгандим, ўшанда.

Болада у ёки бу нарсага қизиқиш ҳам, меҳнатсеварлик ҳам, эътиқоднинг шаклланиши ҳам оиласининг, таълим муассасаларининг, у ўсган муҳитнинг таъсирида рўй беради. Бундан хулоса шуки, фақат ўзимиз муносиб бўлган ҳаётга, хизматга лойиқ кўриламиз: ўзимиз лойиқ бўлган соғлиқни сақлаш системаси бизники бўлади. Нимага лойиқ бўлишимиз эса ўзимизга – оиладаги, таълим муассасаларидаги таълим-тарбиямизга боғлиқ.

Биз тан соғлиги ҳақида ёздик. Инсон саломатлиги фақат тан саломатлигини англатмайди.

Кўринишдан соппа-соғ болаларда информацияни қабул қилолмаслик хасталиги кейинги пайтда кўп учраётгани бор гап. Бунга нима сабаб бўлаётгани ҳақида ўйлаганмисиз? Менимча, сабабини аниқлаш учун чуқур мушоҳадага ҳожат йўқ. Атрофимизда рўй бераётган кескин ўзгаришларга назар солайлик. Илгари битта аптека бор ҳудудда ўнлаб аптекалар пайдо бўлди. Радио ва телеведение юзлаб дорилар айни сиз учун зарурлигини дамба-дам эслатиб туради. Кўчаларда, метрода дорилар рекламасидан кўзингиз қамашади. Илгари дўхтир белгилаган дорилар кўрсатилган миқдорда истеъмол қилинарди. Энди-чи? Дўхтирга боришга ҳожат йўқ: қаерингиз оғриётганини, қайси дорини ютсанг яхши бўлишини айтиб туришади. Фақат ким учун яхши бўлишини аниқроқ қилиб айтмайдилар. Биз эса соддалик қилиб, бизга яхши бўларкан деб тушунамиз. Шундай умумий сафарбарлик натижасида дориларни камида ўн баравар кўпроқ истеъмол қиладиган бўлдик. Россия матбуоти мамлакатида сотувда бўлган дори-дармоннинг катта қисми қалбакилигини ёзишмоқда. Биз эса бу борада ҳали аниқроқ маълумот айтишга тайёр эмасмиз. Шундай бўлгач, болаларимиз хотирасининг информацияни ёзолмай қолишига зарарли (балки, кераксиздир) дорини истеъмол қилиш сабаб бўлганини рад этолмаймиз.

Анчадан буён тўй-базмлардан чарчаб, руҳиятим тушиб қайтаман. Кўпинча базмнинг охиригача ўтиришга тақотим етмайди. Бундай ҳолат ҳушёрроқ юрадиган барча танишларимда рўй бераётган экан. Нега шундай? Одатда, тўй-ҳашамларга таниш-билишларни кўриш, суҳбатлашиш, кўнгил чигалларини ёзиш, куй-қўшиқ эшитиш, яйраш, илҳомланиш учун борилмайдими? Танишларни кўрамиз-у суҳбатлашолмаймиз. Суҳбатлашишга қулоқни қоматга келтириб гумбурлайдиган мусиқа ҳалақит беради. Одатда мусиқа гумбурламайди. Физикада мусиқа шовқиндан фарқ қилинади; ҳар бирининг ўз таърифи-тавсифи бор. Тўйларда биз эшитадиганимиз, ҳайтовур, шовқин бўлса керак. Шошилиб келиб, шошилиб кетадиган «юлдуз»ларнима дейишаётганини эшитолмаймиз. Бошловчию қизиқчиларнинг «топқирлик»лари ҳам ғашимизга тегади. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир хизматга келувчи ўз «дарди» билан келади, бизнинг, – меҳмонларнинг дарди-руҳиятини ўйлайдиган кимса йўқ.

Кишига тан ва ақл саломатлиги етарли эмас, унинг руҳи ҳам соғлом бўлиши керак.

Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси тани, ақли ва руҳи саломат бўлишга ҳақли. Шубҳасиз, ҳар бир киши шунга ҳаракат қилмоғи керак. Лекин у ўз соғлиги билан боғлиқ барча масалалар билан ўзи шуғулланиш имкониятига эга эмас. Масалан, хоҳлаганида ҳам соғлигининг тўла муҳофазасини ўзи таъминлай олмайди. Давлат шаклангач, умуммиллий доимий вазифалар унинг органлари орасида тақсимланадиган бўлди. Ҳозир ҳар бир давлатда «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» ёки шунга маънодош ном билан аталадиган орган шаклланган. Лекин уларга юкланган доимий вазифалар бир-бирларидан кескин фарқ қилиши мумкин, баъзан доимий вазифалари аниқлаштирилмаган ҳолатлар ҳам учрайди.

Давлат соғлиқни сақлаш системасининг доимий вазифаларини Зарина Хисамова қандай тушунишига яна бир марта эътибор қаратайлик: «Россия соғлиқни сақлаш системасининг функцияси касал бўлган ҳар бир фуқарони сифатли тиббий ёрдам билан таъминлашдан иборат».

Юқорида, айни шу фикрни рад этиш учун тўла асос яратдик. Бизнинг фикримизча МАМЛАКАТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СИСТЕМАСИНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ТАНИНИ, АҚЛИНИ ВА РУҲИНИ СОҒЛОМ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН БЎЛИШИ КЕРАК.

Биз назарда тутган соғлиқни сақлаш системаси фуқаронинг касал бўлишини кутмайди, унинг касал бўлмаслиги чора-тадбирларини кўради. Бунда илмий тадқиқот ишлари илмий унвон ва даражалар олиш учун қилинмайди, балки туғилган муаммонинг табиатини аниқлаш ёки уни ҳал этиш учун бажарилади, инсон саломатлигига дахли бор бирор масала ҳам назардан четда қолдирилмайди. Биз таъкидлаган доимий вазифаларни бажариш учун ташкил этилган соғлиқни сақлаш системаси бизнеснинг таркибий қисмига ҳеч қачон айланиб қолмайди.

Калифорнияда қарийб 130 йиллик тарихга, анъана эга бўлган «ЯНГИ СТАРТ» («NEW START») деб номланган марказ бор. Унинг фаолиятига «инсон организми, ўз табиий ҳолатида, саломатлиги учун зарур бўлган барча керакли моддаларни ишлаб чиқаришга қодир» деган ишонч асос қилиб олинган. Унда давримизнинг энг оғир хасталикларига чалинган кишилар ҳаёт тарзини ўзгартириш — табиий ҳаёт тарзига ўтиш йўли билан даволанади ва ана шундай йўл билан бемор дарддан бутунлай фориғ қилинади.

Ушбу маълумот фуқарога «сифатли тибиий хизмат кўрсатиш»ни мақсад қилиб қўйган соғлиқни сақлаш системасини умуман қизиқтирмаслиги мумкин. Фуқароларнинг саломатлигини таъминлашни мақсад қилиб қўйган соғлиқни сақлаш системаси учун эса бундай маълумот ўта қимматлидир.

Инсоният одатланган структурага эга соғлиқни сақлаш системаси фуқароларнинг тани, ақли ва руҳи саломатлигини таъминлай олмаслиги аниқ.

Биз янги мазмундаги соғлиқни сақлаш системаси ўзининг доимий вазифаларини уддалаш учун қандай структурага эга бўлиши керак, деган масалани ҳозир муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Агар зарур бўлса, муҳокама қилиш қочмас. Олдин бир саволга жавоб беришимиз керак: БУТУН ФАОЛИЯТИ ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ ТАНИНИ, АҚЛИНИ ВА РУҲИНИ СОҒЛОМ ҚИЛИШНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СИСТЕМАСИГА ЭГА БЎЛИШНИ ҲАММАМИЗ ҲАМ ХОҲЛАЙМИЗМИ?

Шодиёр ДАВРОН

"Регистон" бизнес-инкубатори Республика Давлат мулк қўмитасининг қарори билан ташкил этилган. Унинг таъсисчилари Давлат мулк қўмитаси минтақавий бошқармаси ва Самарқанд Давлат чет тиллар институти бўлиб, ташкилотни зарур жиҳоз ва бино билан таъминлаш Давлат мулк қўмитаси томонидан амалга оширилган.

"РЕГИСТОН": БИЗНЕС РИВОЖИ ЙЎЛИДА

"Регистон" БИ низомига асосан, шахсий бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини барқарор бўлишига кўмак бериш ННТнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Ушбу муассаса кўмагида хўжалик юритувчи субъектлар ва фирмаларнинг инкубацияси қисқа муддатда шаклланмоқда. Уларга кенг қамровли консалтинг хизматини амалга ошириш, жадаллик билан бозор иқтисоди асосларини ўрганиш, бизнес этикаси, режа тузиш, менежмент ва маркетинг асосларини эгаллаш, бозорда муносиб ўрнини топиш ва ривожлантириш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат мулк қўмитаси жамоаси томонидан тасдиқланган "Консултатив-кенгаш" талабларига мувофиқ, янги фирмалар ташкил этиш борасида кейинги йилларда биргина Ургут тумани ҳудудида жойлашган "Голибжон" фирмасини ҳисобга олмаганда, қолган 90 га яқин хўжалик юритувчи субъектларда қилинган ва қилинаётган ишларни бевосита "Регистон" БИ фаолияти билан чамбарчас боғлаш мумкин. БИ тўла хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Ташкилот кейинги йиллар мобайнида халқаро фондлардан лойиҳа грантларини қўлга киритиб, ўз моддий базасини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, 1996 йили бизнес-инкубатор Самарқанд шаҳрида туризм бизнесини ривожлантириш мақсадида гид таржимонларни тайёрлаш лойиҳаси учун халқаро ворислик корпусининг грантига сазовор бўлди ва 500 минг сўм мукофот олди. Бир ярим йил давом этган муддатда 67 нафар гид таржимонлари тайёрланиб, уларнинг кўпчилиги шаҳримизда бўлиб ўтган "Шарқ тароналари" 1-халқаро фестиваль қатнашчиларига хизмат қилди.

1998-99 йилларда тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бизнес-инкубатор ходимлари жойларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича семинарлар ўтказиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Пировардида "Евро-Осиё" фонди орқали лойиҳа учун 11 минг АҚШ доллари қўлга киритилди. "Регистон" БИнинг кенг қамровли фаолияти туфайли ўтган 2005 йил ҳам ютуқларга бой бўлди. Жумладан, бизнес-инкубаторга қарашли хўжалик юритувчи субъектлар режадаги 134 млн ўрнига 141,8 млн сўмлик товар ишлаб чиқиб, режани 105,8 фоизга уддаладилар. Ёки биргина бизнес-инкубаторнинг ўзи жорий йилда аҳолига 6 млн сўмлик хизмат кўрсатди. БИ кўмаги билан ташкил этилаётган фирмалар чет эл давлатлари билан ҳам алоқалар ўрнатиб келмоқда. Биргина мисол: тадбиркор К. Салимов БИ ёрдами билан Россия, Белорусь республикалари тадбиркорлари билан интернет орқали алоқалар ўрнатди. Фирма фаолиятини кенгайтириш учун икки марта Италияга бориб янги технология ва техник жиҳозлар олиб келди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Яна бир рақам. Соҳа ходимлари томонидан 12 йўналишда бизнес режаси ишлаб чиқилиб, 9 нафар тадбиркорга 123 млн сўм (шулардан 115,5 млн сўми имтиёзли) кредит олинди. Бугун "Регистон" БИ "Ўзбектуризм" МК илмий ўқув консалтинг марказининг вилоят бўлими ҳам ҳисобланади.

ННТ меҳнат шартномалари асосида вилоят ва шаҳар ҳудудида жойлашган фирмалар учун кадрлар тайёрлаб, Самарқандда туристик бизнесни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ "НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУНИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг, халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси

Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

3-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хусусиятлари махсус қонунлар билан тартибга солинади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасининг у ёки бу муносабатлари махсус қонунлар билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу Қонуннинг нормалари қўлланилади.

(Давоми бор)

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".

Кино

Яқинда Киночилар уйида навбатдаги фильм тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ясаниб-тусаниб болаларининг қуршовида иккинчи қаватга аста кўтарилаётган истараси иссиқ бир аёл бизни учратиб, эски қадрдонлардек сўрашиб, узр сўрагандек қўшиб қўйди:

— Болаларим қўймади. Гапира-гапира олиб келишди. Атак-чечак қилиб зинапоялардан чиқишни ўзи бўладими!? "Номус"ни кўрмасликка номус қиласан-де...

НОМУС ВА МУҲАББАТ

Фильмнинг номи "Номус"лигини эшитдим-у, Ширванзоданинг машҳур романини эсладим. Унинг номи ҳам шундай. Ўзбек киноси бу нозик мавзунинг қандай ечимини топди экан деган фикр ўтгани учун ҳам бу асарни биринчилар қатори кўрган, унинг режиссёри Ҳилол Насимовга мулоҳазаларимизни айтган эдик. Лекин бош рол ижрочиси Малика Ҳусаинова билан суҳбат қуриб, фильм ҳақидагина эмас, мавзунинг мураккаблиги, кинода аёллар ижодининг ўзига хослиги каби масалалар юзасидан савол-жавоб қилмоқчи бўлдик. Ҳилол Насимов гўзал бир қизни бошлаб келиб:

— Малика Ҳусаинова — муаллифлардан бири, бош рол ижрочиси, продюссерлик ҳам қилдилар, — деб таништирганида таажжубланганимни яширa олмадим, чамаси. Фильмдаги қаҳрамон ва мен кўриб турган қизалоқ ўртасида шунчалик фарқ катта бўлиб кўринди. Бадиий асарда ўзбекона либосда юрадиган, пардоз-андоздан анча йироқ, гоҳ қувноқ, гоҳ эса кўз ёшини тўкиб фарёд чекадиган қиз ҳаётда ўзгача кўринди. Замонавий либосдаги суҳбатдошим фурсат ўтмай ижод ва иқтисод, мерос, анъана ҳамда компьютер графикаси, фаҳримиз бўлмиш шоираларнинг фикрлаши, ҳис-ҳаяжони шеърий мисраларда ўзининг образли ифодасини топгани, бинобарин, бу жараённи ўрганиш, ундан сабоқ олиш зарурати ҳақида шундай мулоҳаза қила бошладики, ўйлаб қолдим: "Номус" фильмининг бош қаҳрамонидан бу қизалоқ тубдан фарқ қилади, шекилли. Заковатли, билимдон, оқила қиз Малика ролга кириш учун ўзи чиқиб улгурган зинапоядан бироз пастга тушишга мажбур бўлмаганми!? Бинобарин, ёшлик ғурури, эҳтироси, айни бир вақтда бокиралиги кўзга ташланиб турган қиз ижро дамларида ўзини чеклаган, рол чегараларидан чиқиб кета олмаган. Шундаймикин?

— Ташқи кўриниши ҳамма вақт ҳам инсоннинг ички дунёсини, тарбиясини, одобини кўзгуси бўлавермайди, менимча. — Бизда савол аломатини кўриб жавоб берди Малика. — Фильмимизнинг дастлабки кадрларини суратга олиш кунлари танаффус пайтида кўпчилик бирга тушлик қилардик. Дастурхон ёзилиб, таомлар келтирилиб бўлганида режиссёримиз Ҳилол акага кўнғироқ қилиб қолишди. Кўл телефонда бироз гаплашдилар. Сўнгра "Нимага тановул қилмаяпсиз, овқат совиб қолибди-ку", — деб ҳайрон бўлдилар. Қарасам, мендан жавоб кутяптилар. "Бошлаб беринг, бир-икки кўйлакни ортиқ кийгансиз" десам барча кулиб юборди. Режиссёр эса "Сиз ҳали шундай таомилни биласизми, унга риоя қиласизми?" - деб ҳазиллашдилар. Шим кийган, сочини ўзгача тараган қизга шундай қарашади. Аслида либос фақат ташқи кўриниш-ку!

— Демак, фильмда қаҳрамонингизнинг либоси, юриш-туриши, умуман хатти-ҳаракатлари унинг диди, ителлектуал даражасига мос келиши ҳақида қайғургансиз, тўғрими?

— Шунга интилганмиз. Лекин бизнинг реквизитимиз "костюмерний" — либосчонамиз бўлмаган. Костюмлари бой давлат студияларининг имкониятлари ўзгача. Биз эса бир-икки либосга буюртма берардик, холос. Қолган кийимлар ўзимнинг гардеробимдан. Энг яхши кўрган — ҳайитда киядиган кўйлакларимни кийиб лирик саҳналарда чиқавердим.

— Ички ҳолат-чи? Қаҳрамонингизни қандай тасаввур этдингиз-у, қай тарзда кўрсатишга интилдингиз?

— Сценарийда бу образ мукаммал ёзилишини таъминлаш ниятида кўп ўйладик. Ота-онасининг хоҳиши билан ёшлигидан унаштирилиб қўйилган йигит ва қиз бир-бирини севиб қолишини кўрсатиш зарур эди. Сўз билан эмас. Нигоҳ, орзу-умид ифодаси, тортинчоқ, уятчанг қизнинг самимияти ила экранда мужассам этиш талаб қилинган эди. Фикримча, фильмимиз шундай эпизодлари билан ҳам бошқа асарлардан фарқ қилади. Кўпинча қизчанинг қулоғини тишлаб қўйган бола балоғат ёшига етганида ўзгани севиб қолади. Бўйи етган қулоғи тишланган қиз ҳам. Қаҳрамонимнинг яна бир ҳолатини кўрсатишим керак бўлди: у ёшликда кўнгил берган йигитига эмас, ўзга шахсга узатилади. Ота-онасининг хоҳиши, талабини қайтаролмаган қизнинг кўнгли ўксийди. Ўзининг хоҳишини енгиб, илк севгисидан воз кечиб, ўзга — таниш бўлмаган хонадонга келин бўлиб тушиши — бу иккинчи, анча мураккаб ҳолат. Учинчиси, иффати, покизалиги билан қадр-қимматини топган қиз куёв олдида айби борлигини билади ва узр сўраш даражасига боради. Уни ҳеч ким мажбур қилмайди. Сир сирлигича қолиши мумкин эди. Турмуши бу тарзда ёлғон билан бошланишини хоҳламаган қиз ўзига-ўзи таъриф беради. Куёв ўриндиқнинг бир чеккасида, келин яна бир чеккасида хаёл суриб, бир-бирига тескари қараб ўтиради. Руҳий ҳолатлар анча мураккаб. Лекин фикр юритиш йўли бир хил. Қизиғи шу ердаки, томошабиннинг мулоҳазаси ўзгача бўлишини кинозалида қайта-қайта сездим. Менинг қаҳрамонимнинг қўлини бугунги куёв эмас, бошқа йигит ушлаган. Қулоғини болалигида тишламаган бўлса ҳам қизнинг ширин сўзларини эшитган. Ана шу дақиқалар учун, эҳтимол бевақт қилинган аҳду паймон учун келин либосидаги қаҳрамоним куёв тўрадан узр сўрамоқчи бўлади... Шундай рангбаранг психологик ҳолатларни тасаввур этиш, кўрсатиш дақиқалари менга завқли, жуда қизиқарли кўринди. Ўйлайманки, бундай адабий "юк"и бўлган ролни ижро этишни бошқа артистлар ҳам хоҳлар эди.

— Дарвоқе, режиссёр яна бирорта профессионал артист ёки ҳаваскорни бу ролга синаб кўрмадими ?

— Сценарий ёзилишидаёқ Ҳилол ака мендан андоза олинганини, менга мослаб эпизодлар ёзилишини айтган эдилар. Ўзим ҳам лавҳалар мазмуни, қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатларини таърифлашда шерик муаллифнинг шу хоҳишидан келиб чиққан эдим.

— Сценарий ҳамкорликда ёзилишида, рол режиссёр Ҳ. Насимов раҳбарлигида ижро этилишида аёллар ижодининг ўзига хослигини сезгандирсиз? Улар сентиментал, кўз ёши уйғотадиган сатрлар, эпизодлар, портретлар яратишга мойил бўладилар кўпроқ.

— Бундай саҳналарни суратга олиш, айниқса, актёр ҳолатга кириши оғирлигини кўрдим. Лекин актёр йиғламаса, томошабин ҳам йиғлолмайди. Шу билан бирга кўз ёш тавба-тазарру дамларида ҳам дурдек тўкилиши мумкин, араз қилган қизнинг кўзидан ҳам. Мен Нодирабегим "Нодира аҳволидан огоҳ бўлинг" деб ёзганини (шоира кўз ёши билан битгандир бу каби мисраларни) ёдимда сақлайман. Уни ҳайқириқ деб қабул қиламан. Шу билан бирга лирик-психологик ҳолатларга бой мисраларнинг бунёдкори бўлмиш бу шеър шайдосининг ўз дугоналари, яқинлари қулоғига айтган сири деб биламан бундай мисрани.

— Шундай юксакликка интилиш зарурмикин! Сиз тилга олган мисраларда аввало улуғворлик, севги-садоқатнинг юксак кўринишлари мадҳ этилади-ку! Шундай руҳ ҳозирги фильмларга ҳам сингиб кетиши керакмикин?! Баъзан интим суҳбатда айтиладиган гаплар фильмларга кўчяпти.

— Ҳозирги ахборот майдони билан бирга томоша майдони ҳам кенгайиб кетган дамда одоб-ахлоқ мезонлари поймол этиладиган "асар"лар ҳам тарқалиб кетиш ҳоллари кўп учрамоқда. Шундай "томоша" кўринишларига қарши турадиган куч бўлишини давр талаб этмоқда. Премьера куни ёшлар бизга миннатдорчилик билдиришди: "Сабоқ олдик, қалтис йўлдан юрмасликка аҳд қилдик", — дейишди. Ўрта ёшдагилар эса "Фильмингизни номидан, баъзи саҳналарда ёшлар ўзини тутишидан хавфсираган эдик, беадаб манзарага дуч келиб қолмасак эди деб. Ҳартугул ундай кўринишлар йўқ экан. Қизиқарли, ёшларни ўйлантириб қўядиган фильм бўлибди", — дейишганида бошимиз осмонга етди. Мақсадимизга оз бўлса ҳам етишибмиз-да деб ўйлаб хурсанд бўлдик.

Суҳбатдош: Ҳамидулла АКБАРОВ

Назм

ТЕЛБА ДИЛ, АЙТ АХИР, МАНЗИЛИНГ ҚАЕР ?

Шоирнинг ҳаёти тўлқинли кечиши мумкин, бироқ унинг бахти шундаки, ўзи дунёни тарк этса ҳам, шеърлари яшайди, мухлисларга завқ беради, уни эслайдилар, соғинадилар.

31 йил умр кўрган Назар Шукурга ҳам шундай қисмат насиб этган.

Бир тоши кўрсанг йўл ўртасида
Тепиб ўтма, ёр қилиб ҳазар.
Сени кутиб оёқ остида
Ўтар тошга айланиб Назар.

Топмас эди шеърларим сайқал,
Ёр, бермасанг ишқинг билан зеб.
Сенга тиклаб сўзлардан ҳайкал
Имзо чекдим "Назар Шукур" деб.

Аямасдан ардоқларингни
Зангор сойни кечасан кулиб.
Билмайсанки, оёқларингни
Ўпар шу чоқ Назар сув бўлиб.

Соқчи каби турган ҳар дарахт
Манзилингга омон етказар.
Кўйганмисан уларга қараб?
Ахир, унинг ҳаммаси — Назар!

Бевафолик қилса гар санам,
Ҳайиқмасман, мард эр тиғ санчар.
Ҳушёр тортгин, ичиб онт-қасам
Юргай Назар шаклида ханжар.

Сени кўздай асрамоқ учун
Жисми билан интилиб нурга,
Гирдингдаги нарсалар бугун
Айлангандир Назар Шукурга!

ТИЛМОЧСИЗ ҲИСЛАР

Тилмоч тополмадим сизга, ҳисларим,
Азиз туйғуларим, бугун алвидо!
Ҳатто тушунолмас ёру дўстларим,
Демак, мен, қандайдир хаёлга фидо.

Қуёшга кифтини тутган адирлар
Совиган шахтимга беролмас ҳиддат.
Хайр, эй, тилмочсиз қолган, сатрлар,
Сизга ҳам етишмас аввалги шиддат!

Турфа гирдобларга келдим кўндаланг,
Яширдим юракдан чеккан додимни.
Руҳимга тош бўлиб теккан ҳар алам
Кумларга сочади истеъдодимни.

Давридан ким тўйса, ношуддир у зот,
Ҳеч дилни бездирмас бундаги сеҳр.
Наҳотки, уфқлар сингари озод —
Ҳисларим тилмочи — номаълум меҳр?!

Йўлларга сочилар умрим япроғи,
Эй қадрим, яхши қол, мен кетдим, хайр!..
Бу саёқ сафарнинг борми адоғи?
Телба дил, айт, ахир, манзилинг қаер?

Меҳрсиз яшамоқ — бу жонли ўлим,
Мудҳишдир жасадлар юрса қабрсиз.
Кела қол, севгига айланган, гулим,
Мен сени англайман тилсиз, таъбирсиз!

Тушовсиз дардлардан юрдим ҳол-беҳол,
Озод ўйларимга ташладим тузоқ.
Асад чавандознинг шиддати мисол
Қашқа ҳам қаршимда ҳайқирмас узоқ.

Туйғусиз касларнинг ҳаёти ёлғон,
Рост яшай! Бездирди нотинч нидолар.
Яшашни рад этгай ҳар қандай инсон
Ўтли ҳисларига айтса видолар!

ШОИРНИ ТУШУН

Отилса ортидан таъналар тоши,
Хам бўлса иғводан, ғийбатдан боши,
Тўғон бўл, кўзидан қуюлса ёши,
Биродар, зил кетса, шоирни тушун!

Бир кунда неча бор тирилар, ўлар,
Севинчдан йиғлар у, дард ила кулар,
Бир умр, бир умр ёнару куяр —
Бағрида кул кетса, шоирни тушун!

Ўртанма сен унга заҳматсиз бир йўл,
Доим ўз йўлида ўзи топар ул,
Унга пулдорнинг шафқати бир пул,
Бахти чил-чил кетса, шоирни тушун!

Севдими — қайтарма, йўлидан қолмас,
Берган бор пандингга у қулоқ солмас,
Ғуддайсанг, сени ҳам бир пулга олмас,
Қўл силтаб йўл кетса, шоирни тушун!

Сен тинмай яшайсан бола-чақам деб,
Болам деб яшар у эл-юрт ғамин еб,
Ногаҳон ариса ҳаётидан зеб,
Шаробга дил кетса, шоирни тушун!

Истасанг йўлига чоҳ қил, чуқур қил,
Туширсанг, бир назар сол-да шукур қил,
Қилмишинг олдидан ўйла, фикр қил,
Орзуси тул кетса, шоирни тушун,
Армони мўл кетса, шоирни тушун!

Назар ШУКУР

ТАБРИК

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги "Лочин — Д" очиқ турдаги акциядорлик жамияти автокорхонаси раҳбари ***Номоз ЖЎРАЕВ****ни таваллуд топган куни билан табриклаймиз. У кишига соғлиқ-саломатлик, оилавий бахт, ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз.*

"Лочин — Д" ОАЖ жамоаси

Муносабат

Мен келажакда журналист бўлмоқчиман. Шу сабабли мамлакатимиз ва чет элларда чоп этилаётган нашрларни иложи борича кузатиб боришга, улардан ўзим учун керакли нарсаларни ўрганишга интиламан.

ИРҚНИ КАМСИТМАНГ

Афсуски, баъзан хорижий нашрлардан нимани ўрганмаслик кераклигини ўрганишга тўғри келади. Масалан, яқинда хорижий ("Труд" ва "Аргументы и факты") газеталарида профессионал бокс бўйича жаҳон чемпионлари — украиналик Кличко ва россиялик Валуевнинг ғалабаларини оқ танлиларнинг қора танлилар устидан қозонган ғалабаси, дея талқин қилиниши оддий инсон сифатида менинг ҳамиятимга тегди. Ахир бундай талқин Ер юзидаги кўплаб мамлакатларда истиқомат қилаётган миллионлаб қора танли кишиларнинг ғурурига тегмайдими? Кишилар ўртасига ирқий нифоқ ва низо солмайдими? Ирқий тоифалаштириш ижтимоий иллат сифатида ўтган асрларда қолиб кетмаганми? Бундай фикрлаш қолоқ онгнинг маҳсули эмасми? Спорт — дўстлик элчиси дейилади, спортчининг спортчидан эмас, ирқни ирқдан устун қўйишга уриниш дўстликнинг тескариси эмасми?

Спорт бўлганидан кейин албатта кимдир енгилади-да. Тўғри, спорт давлатнинг, халқнинг обрўси, нуфузи. Лекин бу бир миллат ёки бир ирқни камситиш ҳисобига бўлмаслиги керак-ку. Ҳар ҳолда, мен спортчининг ғалабасини спортчининг ғалабаси сифатида қабул қиламан, ирқнинг... ғалабаси сифатида эмас. Сиз-чи?

Хорижий нашрлардан бундай мисолларни истаганча топиш мумкин. Шу нуқтаи назардан ўзбек матбуотини ҳурмат қиламан. Бизнинг матбуот баъзан дунёдаги айрим воқеалардан ортда қолиши мумкин, бироқ ҳеч қачон бировни камситиш ёки нафсониятига тегмаслиги билан алоҳида ажралиб туради.

Моҳира ТЎРАХЎЖАЕВА, Тошкентдаги 254-мактаб ўқувчиси

Ибрат

Ҳамкасбимиз Манфаат Жамолиддинова Алп Жамолнинг тўрт жилдлик китобларини оиламизга тортиқ этганида кўзларида қувонч, овозида фахр туйган эдим. Мавруди билан асарларни ўқиб шундай хулосага келдимки, биз, ўзини даҳо санаган баъзи ижодкорлар фақат бугунни кўриб, бугун билан яшаган ожиз бандалар ўтган кунларимиз, теран илдизларимиз ҳақида ҳамиша ҳам жиддийроқ ўйламас, улар ҳақидаги асл ҳақиқатлардан анча узоқдалигимизни англамас эканмиз. Адоғи йўқ ташвишлар, юзаки қарашлар бизни кун сайин бефарқлик томон етаклаб, имконларимизни чеклар, охир-оқибатда суяниш мумкин бўлган манбалардан секин узилиб, саёз, таги пуч, ўткинчи ақидаларга боғлаб қўяркан.

«ОТАМНИНГ КИТОБЛАРИ...»

Ҳаётнинг пасту баландликлари, ташвишу қувончларини китоблардан ўқиш, уқиш бошқа-ю уни ўз бошингдан кечириш — ҳаёт аталмиш поёнсиз уммонда сузиш, тақдир соҳиллари томон умид билан интилиш бошқа. Барчанинг ўз тақдири, ўз кечмиши, номи, касб-кори, орзу-ҳаваслари бўлгани каби Аллоҳ жисмига жо қилган ижодкорлик туйғуси, ўзгалар қалбини англаш, ҳис этишдек истеъдоди ҳам борки, буни рўёбга чиқариш кўп нарсаларга боғлиқ.

Бундан 30-40 йил аввал Ўзбекистон телевидениесининг "Телевизион миниатюралар театри" ва машҳур ва манзур "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи" кўрсатувларини завқ, ҳайратга тўлиб кўрмаган, интизорлик билан кутмаган томошабин йўқ эди.

Устоз Саид Аҳмад Алп Жамол билан боғлиқ аччиқ ҳақиқатларни эслаб, биз билган-билмаган тарих ҳақида ҳикоя қилади. Масалан: "Шўрога ҳақсиз" деган ибора — айбловни бугун ҳамма ҳам билавермаса керак. Йигирманчи йилларнинг бошида Алп Жамолнинг отаси Асомиддин Миразимбой ўғлига шундай айб қўйишади: Бу — шўро идораларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган дегани эди. Жамолиддинни шўрога ҳақсизнинг боласи деб ўқишдан ҳайдадилар... Мактабдан қувилгач, тенгдошларидан ажралган боланинг ҳолини тасаввур қилинг. Бу муддат бир кун, икки кун эмас — бойлар ўз замини, ватанида барча мол-мулки, сўнгги имконидан айрилгунча давом этиши шарт эди. Шўро ҳукумати "Ота учун бола жавобгар эмас" деган қоғоздаги ваъдасига амал қилмади. Унутди. Жамолиддин қайси мактабга бормасин, унга маориф шўъбасининг мактабларга тарқатган рўйхатини пеш қилиб, кўксидан итардилар. Шунда отаси "Болам хафа бўлма, сени ўзим ўқитаман" деб юпатди ва Асомиддинбой ўғлига ҳам ота, ҳам муаллим бўлиб сабоқ бера бошлади. Ўша кунларни Жамолиддин шундай хотирлайди:

— Отам қўлимдан етаклаб Эски жўвадаги "Турон" кутубхонасига туташ саҳҳоблар дўконига олиб борди. Саҳҳоб — бу йиртилган, муқоваси кўчган эски китобларни таъмирловчи уста дегани. Уларда кўп ноёб китоблар бўлар, машҳур ёзувчиларимиз Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратлар шу саҳҳоблар дўконига тез-тез келишар, улардан тарих, мумтоз адабиётга оид китоблар харид қилишарди. Отам Мискин, Хислат, Таваллолар билан шу ерда танишган эканлар. Ўша куни отам икковимиз жўғрофия, ҳандаса, табииёт, риёзиёт, тарих, она тили китобларини харид қилиб, адабиёт, кимё, физика дарсликларини топиб қўйишни саҳҳобга қайта-қайта тайинлаб уйга қайтдик. Шу кундан бошлаб отамнинг меҳмонхонаси менинг дарсхонамга айланди. Отам эрталаб нонуштадан сўнг то пешин намозигача битта фандан, эртасига яна бошқа бир фандан сабоқ берарди. Шундан кейин дўсти Мулла Қўшоқнинг дўконига бориб кечгача суҳбатлашиб, ҳовурини босиб қайтардилар. Мулла Қўшоқ деганимиз ўзбекнинг жуда машҳур, ғазаллари Туркистон ўлкасининг деярли жами ҳофизлари томонидан қўшиққа солинган Мискин тахаллусли камтарин бир шоир эди. У шу кичкина дўконидан топган даромаддан бола-чақаларини боқарди...

"Асомиддин бобомнинг оталари Миразимбой ҳожи Шодмонбой ўғли ҳақида адамлардан эшитганман, — дейди ёзувчининг ўғли иқтисодчи олим Абдураҳмон Асомиддинов. — Миразимбой 1830 йилнинг бошларида дунёга келган. У баланд бўйли, қадди-қомати келишган, савлатли одам бўлган. Ғайратли, дину исломга эътиқодли Миразимбой иккинчи марта ҳажга отланганида ўғиллари Асомиддинбой сарф-харажатлар учун уч минг тилло танга беради. Ўғил дуо олиб, ота дуо бериб, бир-бирлари билан хайрлашадилар. Ҳаж амаллари адо этилгач, Миразимбой тошкентлик биродарлари иштирокида қурбонлик учун қўй сўйдиради. Шўрва тайёр бўлгач, барча иштирокчиларга тарқатилади. Катта бобом Миразимбой шўрвадан бир хўплаб, шу жойда оламдан ўтадилар. Миразимбой ҳожи вафот этганларида у кишининг хуржунида икки минг тилло танга борлиги биродарларига маълум бўлади. Ҳамроҳ ҳожилар ана шу тангаларни Маккадан Тошкентга келтириб, Асомиддин бобомга топширадилар..."

Фавқулодда бир эътибор билан ўйлашга, мағзини чақишга ундаган, шууримга ибрат бўлиб ўрнашган мисол шу эди. Бугун биз ростлик, ҳалоллик ҳақида тўлиб-тошиб гапирамиз, кўп ёзамиз, баъзан ўзгаларга ақл бўлиб, кимлардандир талаб қиламиз. Назаримда ибрат бўларли софлик, эътиқод каби тушунчалар ҳар кимнинг ўзида, қонида бўлмаса, вужудида яшамаса буни англаш, амал қилиш мушкул. Ҳалолдан унган ризқ-рўзнинг нималарга қодирлигини Алп Жамол ҳаётида, юрт озодлиги туфайли унинг қайта қад ростлаган катта хонадони мисолида кўриш ибрат эмасми? Каъбадан дуо бўлиб, баракага йўғрилиб қайтган икки минг танга эътиқод тимсоли, оила рамзига айланиб яшаб келаётгани ибрат эмасми?

1995 йили Алп Жамол номидаги мукофот таъсис этилганидан хабардор бир қаламкаш ва иштирокчи сифатидаги хотираларни ёдга олишдан мамнунман. Ўшанда ҳали биз бировга холис, беминнат яхшилик қилиш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш — ҳомийлик қилиш учун кимлардандир рухсат олиш, кўпдан кўп расмиятчиликлар тўсиғидан сабр билан ўтиш кераклигини билмас эдик. Булар ҳақида тасаввур ҳам қилмасдик. Хуллас, барча қоғозбозлик, тўсиқлар ортда қолиб ёзувчи номига адабий мукофот таъсис этилди. Адиб босиб ўтган машаққатли йўл, ижодига эҳтиром, мамлакатимиз ижодкорларига иззат-ҳурмат кўрсатиш, Алп Жамол фарзандларининг ташаббуси, отасига бўлган муҳаббат, содиқлик рамзи эди бу мукофот.

Сўз айтилмаса, ёзув қоғозда акс этмаса маъно-мақсад мавҳумлигича қолгани каби, агар ёзувчининг асарлари чоп этилмаса, у ҳақдаги маълумотлар йиғилмаса ижодкор шахсини, истеъдодини англаш, баҳолаш қийин кечади. Алп Жамол китобларини ўқиб-ўрганиш жараёнида ёзувчи ижоди ва ҳаётига оид турли маълумотларга дуч келдим. Ва шунда адабиётдек улкан майдонда ҳар кимнинг ўз ўрни, овози, хизмати борлигини унутмаслик, бу йўлда сарфланган барча саъй-ҳаракатлар, заҳматларни қадрлаш керак деган хулосага келдим. Йиллар қатида кўмилиб, узоқ қоғозларда, муаллиф қалбида асраб-авайланган асарларнинг номи, рўйхатиёқ Алп Жамол интилишларининг жиддийлигидан дарак беради. Ҳофиз, Бедил, Навоий, Юсуф Сарёмий, Фузулийни ўқиб, халқ достонларини ўрганиб адабиётга қадам босганининг ўзиёқ унинг бу даргоҳга бўлган маънавий ҳуқуқини белгилаб турибди. "Алпомиш" достонини драмалаштириш, Жалолиддин Мангуберди ҳақида достон ёзиш... Бу каби мисолларни яна давом эттириш мумкин. Лекин гап бунда эмас. Мақсуд Шайхзодадек шоир достонни ўқиб, "Шарқ юлдузи"га тавсия этиши айни ҳақиқатдир.

1974 йилда Алп Жамол устидан имзосиз хат тушади. Хатда юқоридаги "айб"лар бир-бир саналиб, унинг бировларга пъесалар ёзиб бериб пул топаётгани қўшимча қилинганди. Бу пайтда у "Телевизион миниатюралар театри"нинг бош директори эди. "Хатда келтирилган далилларни текшириш учун Марказкомдан комиссия келади, — дея эслайди адибнинг ўғли Абдураҳмон ака. — Далилларнинг баъзилари жонли бўлиб, Алп Жамолни ишдан олишга етарли эди. Комиссия аъзоларидан бири "Бозорда ўн йил ишлаганингиз ростми?" деб сўраганида, адам "Ҳа, ишлаганман, лекин мен Америка бозорида эмас. Совет бозорида ишладим. Шуни ҳам айтиб қўяйки, мен жиққа пулнинг ичидан қоғознинг ичига келиб ўтирибман. Менга раҳмат айтиш ўрнига ишдан бўшатмоқчи бўласизлар. Марҳамат, мени ишдан олишларинг мумкин, лекин қўлимдаги қаламни ҳеч ким тортиб оломайди..." деб жавоб берган эканлар".

Ёзувчининг башорати рост бўлиб чиқди. У қаерда ишламасин, асарларининг нашр этилишини умид билан кутиб ижод қилишдан тўхтамади. Қоғозу қаламдан кечмади, ҳеч ким Алп Жамолни ёзиш имконидан, эътиқодидан маҳрум этолмади...

Ражаббой РАУПОВ

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш фонди ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлган қуйидаги йўналишлардаги долзарб лойиҳаларни молиялаштириш учун танлов эълон қилади:

1. **"Аёл ва унинг жамиятдаги мавқеини ошириш"** дастури
2. **"Ёшлар ташаббуси"** дастури
3. **"Тиббиёт ва ҳомийлик"** дастури
4. **"Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги"** дастури
5. **"Тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш"** дастури
6. **"Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш"** дастури
7. **"Экология ва жамият"** дастури

Танловнинг мақсади фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, гуманитар, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа аҳамиятга молик муаммо ва вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг жамоатчилик ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг дастур ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдир.

Бериладиган грантларнинг миқдори:

Кичик — 500 минг сўмдан 3 миллион сўмгача

Ўрта — 3 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача

Катта — 10 миллион сўмдан 15 миллион сўмгача.

15.000.000 дан 25.000.000 сўмгача бўлган грантлар лойиҳанинг халқаро ташкилотлар, давлат идоралари ва тижорат ташкилотлари томонидан биргаликда молиялаштирилган тақдирда берилиши мумкин.

Танловда Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлимларидан рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг Миллий Ассоциациясига (ЎзННТМА) аъзо бўлган ташкилотларгина иштирок этиши мумкин. Танлов шартлари бўйича янада тўлиқроқ маълумотлар ЎзННТМА ва Фондниг идораси ёки www.ngo.uz манзилидаги интернет саҳифасидан олиниши мумкин.

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб ***2006 йил 10 июнь соат 16[00] гача қабул қилинади.***

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш Фондининг мустақил экспертлар комиссияси манзили: **Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш. Моваройнаҳр кўчаси, 14.**

Тел: 133-47-56,

e-mail: *grantnouz@mail.ru*

Ўшанга ишлаб чиқ HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. **Тел-факс:** 142-49-91, **Тел:** 135-39-01, 142-52-72

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: **Исмат ХУДОЁРОВ**

Таҳрир ҳайъати: **Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ**

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: **Собиржон ЁҚУБОВ**

Ⓡ — тижорат белгиси.

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 755
Т: 3204
2 3 4 5 6

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.